



Янги ланиш айёми муборак!



O'ZBEKISTON

IJTIMOY-IQTISODIY GAZETA

BUNYODKORI

№25-26 (778-779) 2024 йил 21 март

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

НАВРЎ АЙЁМИ ПОЙТАХТ ЭРТАСИГА ДАХЛДОР ЯХШИ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН БОШЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 19 март куни Тошкент шаҳридаги саноат ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти, маҳалладаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди, баҳорги дарахт экиш тадбирида иштирок этди.

Дастлабки манзил Қуюв-механика заводи бўлди.

Қирқ гектардан зиёд майдонли бу завод бир пайтлар тўлиқ ишламай, паст рентабелли бўлиб қолган эди. Шу боис "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфига ўтказилиб, 2013 йилда модернизация қилинди. Сўнгги йилларда маҳаллийлаштириш жадал кенгайиб, унинг иқтисодий самардорлиги янада ошди.

Бугун мажмуа йилига 1 минг 200 та юк вағони ишлаб чиқариш ва 1 минг 500 тасини таъмирлаш қувватига эга барқарор корхона.

Вагонлар таркиби ҳам талабгир. Жумладан, ярим очик, усти ёпиқ, узун базали ҳамда дон, цемент, минерал ўғит ташишга мўлжалланган 6 турдаги юк вагонлари ишлаб чиқарилмоқда.

Металл куйиш оғир саноатнинг энг муҳим тармоғи, таъбир жоиз бўлса, "юраги" ҳисобланади. Бу ерда 120 миллион доллар ҳисобига қуюв цехи барпо этилган. У йилига 26 минг тонна маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган. Бу ерда темир йўллар эксплуатацияси ва ҳаракат таркибида ишлатиладиган барча турдаги эҳтиёт қисмлар куйилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди.

– Бугунги кундаги энг катта мақсадимиз – кўпроқ иш ўринлари яратиш. Масалан, бу йил мамлакатимизда 100 мингта уй қурмоқчимиз. Улар қачон одамларга маъқул бўлади? Ёнида иш ўрни билан бўлса. Шунинг учун, ҳудуд томонқарларда бўлаётганидек, кўп қаватли уйлар буйича ҳам маҳаллаларда иқтисодий лойиҳалар қилинади. Қайси хондонда ишсиз бўлса, бандлигига кўмаклашилади. Бунда мана шундай заводлар муҳим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис мажмуада шахарсозлик, коммунал ва бошқа тармоқлар учун ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бу имкониятлар билан тадбиркорларни таништириб, буюртмаларни кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бу, ўз навбатида, турдош тармоқларда ҳам иш ўринлари очилишига тўртки беради.

Заводда юк вагонлари қуриш, механика йиғув, ғилдирак йиғув, қуюв, таъмирлаш, темирчилик ва пресслаш, тайёрлов ва комплекташ каби 26 та цех бор. Президентимиз мажмуа бўйлаб юриб, улардаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Корхонада 2018-2023 йилларда маҳаллийлаштириш дастури буйича 100 га яқин турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш узлаштирилган. 2023 йилда жами 267 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, 10 миллион долларлик 170 та вагон ва эҳтиёт қисмлар экспорт қилинган. Жорий йилда экспорт ҳажмини 15 миллион долларга етказиш буйича шартномалар имзоланган.

Корхонада халқаро стандартларга мувофиқ ISO 9001 сифат менежменти ва ISO 50001 энергетика менежменти тизими жорий этилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтнинг Сергели туманида ташкил этилган Ёшлар боғига кўчат ўтказди.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2021 йилдан буён "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида Тошкентнинг "яшил белбоғи" ташкил этилмоқда. Ёшлар боғи шу халқнинг муҳим бўғини бўлади.

Давлатимиз раҳбарига боғ лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Унинг майдони 75 гектардан зиёд бўлиб, ҳудудда жиҳатидан пойтахтимида "Янги Ўзбе-

кистон" боғидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Боғ еттита катта ҳудудга бўлинади. Марказий хиёбонда турли майдонлар, минг ўринли очик амфитеатр, миллий ва халқаро гастронимик зоналар барпо этилади.

Очиқ ҳавода овқатланиш ва қизиқарли машғулотлар учун алоҳида жойлар бўлади. Мусиқий фавворалар, очик осмон остидаги кинотеатр, санъат кўргазмалари ва лазер-шоу имкониятлари яратилади. Болалар учун спорт ва ўйин майдонлари, машҳур эртақлардаги қишлоқлар, устахона, кутубхона ташкил этилади. Сунъий кўл, каноэ ва сузиш ҳавзаси, балиқ ови дам олувчиларга хурурбахш бўлади.

Шу кун Тошкент шаҳри жамоатчилиги, давлат ташкилотлари ва дипломатик корпус вакиллари, ёшлар иштирокида боққа кўчатлар экилади.

Президент боғ лойиҳасида қатнашган инвестор ва лойиҳачилар, чет эллик дипломатлар билан мулоқот қилди.

– Халқимиз қаерда бўлса, дарахт экишга интиланган. Амир Темур Самарқанд атрофида сўлим боғлар барпо этган, бошқа шаҳарларни ҳам обод қилган. Буюк боболаримизга муносиб бўлиб, бу ишларни қилаёмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари боққа келган юртдошларимиз билан сўхбатлашиб, уларни Наврўз билан табриклади.

Боққа биринчи босқичда минг туپдан зиёд каштан, эман, шарк чинори, қизил куртак, магнолия, гужум каби манзарали дарахтлар ҳамда бута ва гуллар экилади. Лойиҳа якунига қадар уларнинг сони 20 минг туپга етади.

Яна бир эътиборли томони, бу боғда табиийлик, ўрмон шакли, экзотик манзара ҳосил қилинади. Боғ фойдаланишга топширилши билан 350 тадан ортқ иш ўрни яратилади.

Айни кунларда ҳам ҳудудларда кўчатлар экилмоқда. Умуман, юртимизда 347 гектар майдонда "яшил ҳудуд", 187 та вазирлик ва ҳокимлик боғлари барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводини бориб кўрди.

Мамлакатимизда темир йўл транспорти ривожланиб, қатновлар сони кўпаймоқда. Бу вагонларга бўлган талабни ҳам оширади. Мазкур заводда 16 турдаги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилади ва таъмирланади.

Ўтган йили корхонада 32 та йўловчи вағони тайёрланиб, 319 таси таъмирланган. Муҳими, кооперация орқали эҳтиёт қисмларнинг 70 фоизи маҳаллийлаштирилган.

Умуман, аввалги йилларда 300 дан зиёд йўловчи ва техник хизмат вагонлари ишлаб чиқарилиб, 50 дан ошиги экспортга юборилган. Бундан ташқари, 112 та метрополитен вагонлари модернизация қилинган.

Улар 28 йил давомида фойдаланишга мўлжалланган ва халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради, йўловчилар учун ҳар томонлама қулай, юқори сифат ва хавфсизликка эга.

Вагонларда иситиш ва совитиш тизимлари, ҳаво айланиши янада яхшиланди. Суе иситиш ускунаси ҳам электр энергиясида, ҳам кўмида ишлашга мўлжалланган. Йўловчиларни тоза ва салқин ичимлик суви билан таъминлаш, телефон қувватини тўлдириш учун маҳсулос мосламалар ўрнатилган. Бу ерда 619 нафар муҳандис-ишчи меҳнат қилмоқда.



Дилшод ЖАЛОЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" бош муҳаррири, Аҳдам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Қуёшнинг қайноқ тафтани соғинган майсалар кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзади. Бутун борлиқда уйғониш, янги ланиш, яшариш манзаралари.

Борлиқдаги уйғониш, янги ланиш ва яшариш овоз ва обод Ватанимизга боқий байрам, кўт-барака, тўқинлик ва меҳру оқибат рамзи – Наврўзи олам келганидан дарак беради.

Наврўз байрами хотиримизда доимо гўзал хотиралар билан ёдга олинади. Бу байрам арафасида нафақат табиат, балки халқимизнинг ҳам миллий руҳи жонланади. Наврўз баҳона халқ ўйинлари, халқ кўшиқлари ижро этилади, миллатимизга хос бир-бирдан тансиқ таомлар тайёрланади. Қолаверса, айнан шу байрам арафасида миллий атлас-у адрас қийган қизларимиз табиат латофа-

тига ҳамоханглик қилишади. Бугун эса сеvimли байрамимизнинг олис ва яқин тарихига қисқача назар ташлаймиз.

Наврўз табиатнинг уйғониш фасли. Бу фаслда, шоирлар таъбири билан айтганда, ҳатто туйғусиз чирик ҳазон ҳам яшил пўпанадан қанот боғлайди. Юртимиз тенгсиз чиройга бурканиб, ранго-ранг гуллар кўккам жилваси янглиг қалбларга севинч бағишлайди.

Коинот бағрида, ўз меҳвариде бетиним айланаётган она Ер беминнат қуёшимиз – офтоб нури тик тушади диган кенгликлар томон оға бошлаши билан бутун борлиқда юз берадиган буюк ўзгариш инсон руҳиятига ҳам таъсир

ўтказмасдан қолмайди. Шу боис кўккам келганда нафақат бутун табиат, инсоннинг ўзи ҳам қайта туғилгандек қалбда эзгу туйғулар, пок хиссиётлар жўша бошлаганини ҳис этади. Негаки, табиатнинг яшнаб-яшариши инсон руҳида ҳам улғ аждодлардан мерос гўзал туйғуларни қайтадан уйғотади.

Улғ аждодларимиз кўккам чоғи табиатда юз берадиган бундай ўзгаришларни, бутун борлиқнинг уйғонишини йилнинг алмашиши, янги йил – янги куннинг келиши, деб билганлар. Ва шу тарихи неча-неча минг йиллардан бери Наврўз айёми шарқ халқларининг кўтлуг байрами сифатида нишонлаб келинади. Халқ ўз орзу-истаклари, ҳаётдан, безавол умрдан кутаётган улғ неъматларни Наврўз билан чамбарчас боғлаб, бу айёмни соғинч билан қаршилайди. Наврўзни халқ сайллари билан гўзал байрам сифатида нишонлаш эл-юртнинг беқиёс миллий қадриятларидан бирига айлангани боиси ҳам шунда.

НАВРЎ АЙЁМИ ПОЙТАХТ ЭРТАСИГА ДАХЛДОР ЯХШИ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН БОШЛАНМОҚДА

1-бет

Президентимиз вагонларга чиқиб кўрди. Уларнинг дизайнини ўзгариштириш, йўловчиларга қулайликларни ошириш зарурлигини таъкидлади. Электр поездлар тармоғини кенгайтириб, аҳоли қўлига қўйиб олиб бориш, соҳанинг алоҳида генерация қувватларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йилда яна юзлаб вагонларни куриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, кон-металлургия корхоналари учун махсус вагонлар куриши, кенг купели янги турларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шу ерда заводда режалаштирилган янги йўналиш – электр ва метрополитен поездлари лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, Тошкент – Хива йўналишига қўйилаётган тезкор поезд ҳақида ахборот берилди. Президентимиз бу ҳақда 2022 йилда Хоразмда Жалололидин Манғуберди ҳайкалининг очилиш маросимида айтган эди. Бу учун Жанубий Кореянинг "Hyundai Rotem" компаниясидан юқори тезликдаги электропоезд олиб келиниши мўлжалланган. 7 вагонга эга электропоезд 351 та ўриндиққа эга бўлади. Соатига 250 километр тезликда ҳаракатлана олади.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Дилбўлоқ маҳалласига бу йилги Наврўз янада кўтаринкилик билан келди. Давлат-хусусий шериклик асосида замонавий маҳалла идораси курилди. Кўп қаватли уйлар йўлаги ва ички кўчалар, ертўпалар таъмирланди. Анҳор бўйи тартибга келтирилиб, обод сайилгоҳга айлантирилди. Ишқомлар, ниҳоллар, пилдалар йўлакларни маҳаллага кўрк бағишлади.

Утган йили кузда "Яшил макон" умумийлик лойиҳаси доирасида қарий 4 минг туپ дарак ва буту кўчатни ўтказилган эди. Шу кунларда кўп қаватли уйлар олдидаги майдонларга райхон, намозшомул каби гуллар экилди.

Дилбўлоқ маҳалласида 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалла хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга иxtисослашган. Уч юзга яқин савдо, саноат ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда. Мактабга таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, иxtисослаштирилган спорт мактаби, педагогика институти филиали фаолият юритмоқда.

"Хавфсиз маҳалла" тамойили асосида ҳудудга 360 та видеокузатув мосламалари ўрнатилган, улар маҳалла профилактика инспектори хизмат хонасига улланган.

Утган йили 112 киши ишга жойлаштирилиб, 181 нафари ўзини-ўзи банд қилган. Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш учун 23 та лойиҳага кредит ва ўнга яқин фуқарога субсидия ажратилган. Хусусан, бу ерда тикувчилик цехи, гўзаллик саломи, полиграфия ва компьютер хизматлари, кутубхона, озик-овқат ва қандолат дўконлари ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуаларни кўздан кечирди, маҳалла аҳли билан самимий суҳбатлашди.

– Аввало, сизларни улғў айём кунлари, келаётган Наврўз билан табриклайман. Маҳаллангиздаги ободликни, иш жойларини, байрам нафасини кўриб, хурсанд бўлдим. Нима учун ҳудудларда кўп юраман? Чунки мен одамларга ишонман. Ҳамма маҳаллаларни шундай ўзгариштиришга ҳаракат қилишимиз керак. Мамлакатимизда 9 минг 450 та, Тошкентда 585 та маҳалла бор. Ҳозир уларга иқтисодий комплекс ташкилотларини бириктирадиган тизим қўйлапмиз. Мақсадимиз – ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга етиб бориш. Халқнинг розилиги, дуоларига муносиб бўлиш ҳаммамизга насиб этсин, – деди Президент.

Шу борадаги манзилли чора-тадбирлар "маҳалла еттичилиги" ва мутасаддилар билан мулоқотда муҳокама қилинди.

– Хабарингиз бор, иқтисодий комплекс ташкилотларини маҳаллаларга бириктираёпмиз. Бунда банкларнинг ҳам ўрни бор. Улар орқали туманлардаги корхоналарга қўшимча шароит яратиб, енгил кредитлар бериб, яна иш ўринларини очишни қўллаб-қувватлаш керак. Энди маҳаллалар ҳам замона муносиб, ҳаракатчан бўлиши лозим. Умуман, ишлайман деган одамга шароит яратиб беришимиз шарт, – деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддилар иқтисодий комплекс фаолиятини маҳаллаларда ташкил этиш, шаҳар шароитида одамларни иш

билан таъминлаш вазифалари тўғрисида ахборот берди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ногиронлиги бўлган болалар учун 1-сонли "Мурувват" интернат уйини бориб кўрди.

Ўзбекистон – ижтимоий давлат. Бу халқимизнинг азалий қадриятларига, бугунги инсонни қадрлаш тамойилига мос. Сўнгги беш йилда "Мурувват" уйларида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 3 баробардан зиёд ошган. Улардаги ходимлар ва ўринлар сонини ҳам кўпайтирилган.

Аҳолига сифатли хизмат ва ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилган эди. Пансионат, реабилитация маркази каби кўплаб ижтимоий муассасалар қатори "Мурувват" уйлари ҳам ушбу агентлик тизимига ўтказилди.

Утган йили бундай муассасалар учун давлат бюджетидан 624 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, уларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун аввалгига қараганда икки баробардан ортиқ маблағ берилмоқда.

Илгари "Мурувват" уйлари ўртасида ҳамкорлик бўлмаган. Ҳозир улар ўзаро фикр алмашиб, самарали усулларни, таълимдаги тажрибаларни таъбиқ этмоқда.

Давлат гамжўрлиги натижасида Тошкентдаги ушбу "Мурувват" уйи ҳам янги қўшақ кирди. Қўшимча бино курилиб, эски бинолар капитал таъмирланди. Ёзги спорт зали, ногиронларни парваршиллаш ва жисмоний даволани бўлимлари, тиббиёт ва машғулот хоналари, фаоллар зали, кутубхона, ётоқхона ва ошхона бутунлай янгиланди. Ҳар бир бўлим, махсус хоналар талаб даражасида жиҳозланди. Харақатланиши қийин болалар махсус аравачалар билан таъминланди.

Муассасада руҳиятида сезиларли нуқсонни бор 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилади. Бугунги кунда 299 нафар ўғил-қиз васийликка олинган. Уларга 334 нафар ходим, жумладан, малакали педагог, дефектолог ва шифокорлар ёрдамлашмоқда.

Шавкат Мирзиёев болаларнинг машғулотларини бирма-бир кузатди. Улар билан суҳбатлашиб, меҳрини изхор қилди. Шароитларни яхшилаб, қўлайликлар яратиб, ногиронлиги болаларнинг иложи борича ҳаётда ўрни топишига кўмак кўрсатилишини айтиди.

Президентимиз бунда ижтимоий хизмат ходимлари ишини эътироф этиб, болаларга меҳр-муруввати учун миннатдорлик билдирди.

– Болаларимизга яхши қараётганингиз учун катта раҳмат сизларга. Бу оғир меҳнат, лекин жуда савобли ва кераклик меҳнат, – деди давлат раҳбари.

Болаларни имкон қадар реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштириш, ота-оналарга психологик ёрдам бериш масалалари бўйича фикр алмашилди. Сўнгги йилларда имконият ва тизим пайдо бўлгани, бошқа ижтимоий муассасалардаги шароитларни ҳам яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Эндиликда "Мурувват" уйлари замонавий реабилитация жиҳозлари билан таъминланиб, ўз ишини янги концепция асосида йўлга қўяди. Унга кўра, болалар индивидуал ривожланиш дастурлари асосида жамиятга интеграция қилинади. Барча "Мурувват" уйларида учрашув хоналари ташкил этилади.

Шунингдек, "Қўллаб-қувватлаш клублари" тузилиб, малакали мутахассислар васийларга ногиронлиги бўлган болани парваршиллаш, оила шароитида тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш бўйича билимлар беради. Алоҳида таълимга тавсия берилмаган, оғир даражадаги касалликлари мавжуд болалар учун "Гамжўрлик гуруҳи" ташкил этилади. Барча ҳудудий реабилитация марказларида ногиронлиги бўлган болалар учун шундай хизматлар йўлга қўйилади.

Муассасанинг қозонхонаси ва муҳандислик тармоқлари ҳам тўлиқ янгиланган. Худудга манзарали ва мевали даракт кўчатлари экилиб, ташқи ёритиш чироқлари ўрнатилган, йўлаклар асфальтланган.

Муборак Рамазон ойида беморлар ҳолидан хабар олиш, инсонларга янада меҳр-эътибор кўрсатиш халқимизнинг эзгу қадриятидир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎзА мухбирлари.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

"Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши кўздан кечирилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Қашқадарё вилоятида бўлди. Бугун бошқа ҳудудларда бўлгани каби воҳода ҳам қурилиш бунёдкорлик ишлари авж палласига чиққан. Хусусан, вилоятнинг Косон, Яққабоб ва Қарши туманларида юзлаб уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилмоқда ва бу минглаб одамларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Вазир ўринбосари вилоятга ташрифи чоғида "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилишини кўздан кечирди. Дастлабки манзил Косон туманидаги "Дўстлик" МФИда қурилаётган массив бўлди. Худудда 2022-2023 йилларда жами 32 та уй-жойлар қурилиши режа қилинган. Бугунги кунда 17 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилган. Шунингдек, 330 ўринли мактаб, 150 ўринли боғча ҳамда 100 қатновли поликлиникада ҳам қурилиш ишлари давом этмоқда.

Тоир Алиматов қурилиш ишларининг бугунги аҳоли билан танишар экан, йўл қўйилган айрим камчиликларни ҳам таҳлил қилди ва қурилиш пудрат ташкилотлари вакилларига бу борада кечиктириб бўлмайдиган зарур топшириқ ҳамда кўрсатмалар берди.

Мутахассислар Косон туманидаги қурилиш жараёнлари билан танишар экан, ҳар бир жихатга алоҳида эътибор қаратди. Урганишлар давомида қурилишда техника хавфсизлиги, ишчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш вазифаларига жиддий қаралмагани аниқланди. Бино пойдеворининг гидроизоляциясида ҳам меъёрий талаблар инобатга олинмаган. Аксарият қурилиш объектларида чикиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаганлиги ҳам кўзга ташланди.

Қашқадарёда амалга оширилаётган қурилиш – бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, Яққабоб туманида ҳам давом этди. Айтиш кераки, бугунги кунда вилоятнинг учта ҳудудида "Янги Ўзбекистон" массивларини қуришга киришилган. Хусусан, 2024 йилда жами 67 та кўп қаватли



уйни фойдаланишга топшириш мақсад қилинган. Яққабоб туманининг "Айғир-қўл" МФИда барпо этилаётган массивни ҳам камчиликлардан холи, деб бўлмайди. Жумладан, кузатувлар давомида объектада қурилиш техникасига амал қилинмаётгани, бетон ва таянч устун ишлари белгиланган нормаларга тўғри келмаслиги маълум бўлди.

Шунингдек, уйларнинг фасад қисмини базальт билан қоплашда ҳам қатор хато-

ликлар кўзга ташланади. Жумладан, сувоқ ишларисиз базальт билан қоплаш амалга оширилган. Объект қурилиш чикиндиларидан тозаланмаган. Техника хавфсизлиги ва ишчиларнинг қурилиш маданияти каби талабларга белгиланган билан қаралган. Пойдевор гидроизоляциясида ҳам белгиланган талабларга риоя қилинмаган. Вазир ўринбосари қурилишда аввало, сифат бирламчи омил эканлигига алоҳида тўхтади.

Мониторинг ишлари ўтказилмоқда

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан мониторинг ишлари ўтказилди.



Илк манзил – Ўртачирчиқ тумани "Қорасув" МФИ ҳудудида фуқаро Б. Раҳматуллаева томонидан қурилаётган маиший хизмат кўрсатиш биноси бўлди. Мониторинг даврида объектада бетоннинг мустаҳкамлигини аниқловчи синов лаборатория хулосалари тақдим этилди. Ушбу аниқланган қоидабузарлик бўйича буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди ҳамда лаборатория хулосалари олинганга қадар объектада қурилиш ишлари тўхтатилди.

Ҳудди шу туманининг "Адолат" МФИ ҳудудида "Ягона буюртмачи хизмати" ИК томонидан қурилаётган 58-сонли оилавий поликлиника биносини реконструкция қилиш объектида ҳам мониторинг ишлари олиб борилди. Маълум бўлишича, унда муаллифлик ҳамда техник назорат ишлари тўлиқ юритилмаган. Жумладан, умумий ишлар ва муаллифлик назорати журналлари ўз вақтида қайд этиб борилмаган.

Шунингдек, қурилиш материаллари меҳнат, – деди давлат раҳбари.

Лойиҳа кенгашининг XI йиғилиши бўлиб ўтди

Бирлашган миллатлар ташкилоти Тарақиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида "Ўзбекистонда энергия самарадор қишлоқ турар жой бинолари қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш" қўшма лойиҳаси бўйича Лойиҳа Кенгашининг XI йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "Энергоаудиторлар бозори"ни шакллантириш мақсадида Техник меъёролаш ва стандартиштириш илмий-тадқиқот институтида "Энергия мониторинги тизими" ресурс марказини ташкил қилиш, энергия самарадорлиги

га тааллуқли халқаро стандартларни қабул қилиш, синов лабораториясига 11 турдаги синов ва ўлчаш ускуналари ҳамда асбобларини харид қилиш каби масалалар муҳокама қилинди ва томонлар келишувига эришилди.

Фуқаролар қабулида муҳим масалалар тингланди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адилонинг фуқаролар билан навбатдаги қабули ўтказилди. Хусусан қабулда фуқаро А. Давроновнинг қурилиш ишларидан норозилиги билан боғлиқ мурожаати тингланди.



Маълум бўлишича, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "BM STROY DEVELOPERS" МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биносининг ён томо-

нидаги деразаларидан бошқа хонадонларни қуриш паналиги таъминланмаган. Муҳокамаларда вазир ўринбосари мутасаддиларга бир қатор топшириқлар берди. Жумла-

БСК раҳбарлари малакаси ошириляпти

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институтида республикада фаолият юритувчи кўп квартиралы уйларга хизмат кўрсатиб келаётган бошқарув сервис компаниялари раҳбарларининг малакаси оширилмоқда.

Мақкур сертификатлаш ўқув курсида соҳадаги ишловчилар, қўнуччилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти, аҳоли билан ишлаш ва унда мулоқот маданиятига амал қилиш йўналишларида амалий ва назарий дарслар ўтказилляпти.

Вазирлиқнинг Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Обиджон Мўминов курс тингловчилари учун соҳадаги янгиликлар, қўнуччилик ҳужжатлари билан бошқарув ташкилотларига берилаётган қатор имтиёз ва имкониятлар,

шунингдек, улар олдига қўйилаётган талаблар хусусида маъруза қилди. Иш самарадорлигини оширишда ўзлаштирилиши лозим бўлган кўникмалар ҳақида атрофлича тушунчалар берилди. Ўз ўрнида бошқарув ташкилотларининг раҳбарлари фаолиятида учраётган масалалар юзасидан саволларига жавоб олдилар.

Маълумот ўрнида, 2025 йилнинг 1 январидан бошлаб сертификатга эга бўлмаган жисмоний шахсларга кўп квартиралы уйларнинг бошқарув органилари раҳбарлиги қилиш тақиқланади.

Масъуллар билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги 151-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маққамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги 460-сон қарори мазмун-моҳиятини тушунтириш ва ижросини таъминлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институти ректори А. Қўлдошев Фарғона вилояти масъуллари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, "Ягона буюртмачи хизмати", "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш" Республика маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари мутахассислари, пудрат ва лойиҳа ташкилотлари ҳамда бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Мулоқотда мутахассислар-



ни сертификатлаш жараёни ҳақида сўз борди.

дан, вазирлик ҳузуридаги инспекция томонидан ушбу қурилиш корхонаси фаолияти қайта ўрганиладиган бўлди. Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг 2021 йил 30 декабрдаги хулосасига зид равишда лойиҳадан четга чиққан ҳолда қурилиши режалаштирилаётган объектнинг 2-блок 3-12-қаватларидаги ташқи деразаларига металл жалюзи ўрнатилмаган тақдирда, қурилиш ишларини тўхтатиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, қабулда Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик бўлими бошлиғи У. Раҳимов, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси мутахассиси О. Дониев ҳамда вазирлик масъули У. Азимовлар ҳам иштирок этиб, фуқароларнинг мурожаатларига эътибор қаратишда ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

1-бет

УЗОҚ ВА ЯҚИН ТАРИХ

Хар қандай миллий қадрият эса, ўша халқнинг ўзлигини аниқлатади. Боболари, аждодлари ким экани, улар қандай яшаб, қандай умргузаронлик қилганларини унутмаслик, буюқ ўтмиши, улуг тарихи, аждодлар шавкати билан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш ҳар қандай миллатнинг кучига куч қўшган, қудратига қудрат бағишлаган. Бирор босқинчи қай бир юртни истило қилмоқчи бўлса, аввало, унинг миллий қадриятларини йўқотишга ҳаракат қилади. Тарихда бизнинг қадим Турон юртимизга қай томондан ёвуз босқинчилар, "нонға тўйганда ҳам маконга тўймаган" талончилар бостириб келган бўлса, халқимиз хотирасидан миллий қадриятларни ўчириб ташлашга жон-жаҳди билан тиришган. Негаки, миллий қадриятларидан мосуво бўлган эл-юрт ўзлигини, буюқ аждодлар шавкати унуттишга маҳжум бўлади. Қадриятларидан, миллий тағзиминдан ажралган халқни қул қилиб ишлатиш, бойликларини талаш, истаганча таққирлаш осон кечган. Шунинг учун мустақиллик замонларида халқнинг тарихини сохталаштириш, миллий қадриятларини эскилик сарқити деб камситиш ва шундай уринишлар орқали ўсиб келаётган ёш авлодларни илдизидан ажраган дарахтдек маънавий қадриятлардан бебахра, манкурт ҳолда яшаши, босқинчиларнинг мақсад-муддаоларига мос келадиган ўзга маданиятларни рухиятига синдиришига замин ҳозирланган.

Наврўз атамаси Авесто ёзилган тилдан олинган бўлиб, "нава" – уyangi, "гозарh" – кил, ёруғлик дегани. Бугунги форсада "нав" янги, "рўз" кун, "янги кун" маъносини беради. Мазкур терминнинг илк ёзма манбаларда учраш тарихи милоддан аввалги II аср, яъни Парфия давлати ҳукм сурган даврларга тўғри келади. Ахамониёлар даврида ҳам Наврўзга ўхшаш байрам нишонлангани тўғрисида археологик топилмалар орқали тахмин қилинган. Лекин Наврўз термини бирор ёзма манбада тилга олинмаган. Авестога кўра, Наврўзга Турон ҳукмдори Афросиёб томонидан Эрон подшоҳи Сиёвуш ўлдирилган кун деб таъриф берилди. Шунингдек, бу кун янги йилнинг бошланиши сифатида алоҳида аҳамият касб этган.

Фирдавсийнинг "Шохнома" эпосида Наврўзнинг вужудга келиши афсонавий подшоҳлар Қаюмарс ва Жамшид образларига боғланган. Наврўз ҳақидаги пичоққа илинадиган тафсилотлар Сосониёлар даврига тўғри келади. Янаям аниқроғи, Ардашер I ҳукмронлиги йиллари Наврўз байрамига йилнинг асосий кунини сифатида қаралган. Соғғалар инъом этиш, шохнинг йирик қабул маросимлари, махбусларни афв этиш каби бугун ҳам амал қилинадиган одатлар шу даврда шаклланиган.

Наврўзнинг тарихий илдизлари борасида жуда кўплаб манбаларда маълумотлар учрайди. Хусусан, Авесто, Абулқосим Фирдавсийнинг "Шохнома", Табарийнинг "Тарихи Табарий", Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Тафхим", "Қонуни Масъудий", Масъудийнинг "Муруж аз-заҳаб", Умар Хайёмнинг "Наврўзнама", Мухаммад Хусайн Бурхоннинг "Фороснома", Ҳофиз Абрўнинг "Зубдат-ат-таворих", Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий", "Ҳазойин ул-маоний" асарларида байрам ва унинг тарихига оид қайлар мавжуд.

Ислом тарихига оид манбаларда ҳам



Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!

ушбу кунга оид тушунчалар кенг қўлланилганига гувоҳ бўлаемиз. Хусусан, улуг уламоларимиз фикрий китобларда халқимизнинг аъёнанив ҳама миллий байрамларини, жумладан, Наврўзни байрам тарихисидан нишонлаш ҳақида фатво берганлар. Бинобарин, "Фатово захирия"да шундай дейилади: "Наврўз уч хилдир: Наврўзи Жамшидий, Наврўзи Маҷусий ва Наврўзи Султоний. Наврўзи Султонийни ўтказмоқлик мақбулдир ва ҳеч динга зиёни йўқдур".

Абу Райхон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида йилнинг биринчи кунини, деб саналган Фарвардин ойи тўғрисида сўзлаб, шундай дейилади: "Бу ойнинг биринчи кунини Наврўзидир. Наврўз йилнинг биринчи кунини бўлиб, унинг форса номи ҳам шу маънони аниқларкан. Наврўз эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтларида Кўшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилса, баҳорга келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишдан, гуллар очилган, дарахтлар гулладиган мевалари етилгунча, ўсимлик униб чиқа бошлагандан тақомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган".

Наврўз байрами ҳақида ёши катта боларимиз хикоя қилишча, яқин тарихимизда, яъни Совет даврида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа қисмларида Наврўз эркин нишонланмаган. Ўша даврнинг жонли гувоҳи бўлганлар ҳам Наврўз байрами шаҳардан узоқ тоғлар ортида, панада жойлашган кенг далаларда нишонлаганини таъкидлашади. Бир неча минг йиллик тарихга эга бу байрам Ўзбекистонда айниқса, 1980 йилларга келиб расман таъқилангани ҳақида маълумотлар бор. Байрамни тантана қилиш қарори халқимизда миллийлик туйғуси кучая бошлаши фониди қабул қилинган.

Совет даврида Наврўзнинг таъқиланиши икки босқичда кузатилган. "Аввал 1920 йилларда "худосизлар жамияти"ни тузиш

даврида, одамларни диндан воз кечансан, деб мажбурлаш пайтида, Наврўз ҳам таъқиланган байрамлар қаторига кирган", – дейди тарихчи олим Файзулла Исоқов. 1985-86 йилларда эса Наврўз асосан Ўзбекистонда "хавфли аънана" сифатида кўрилаган. Қайта куриш даврида кечган бу таъқиллар миллий уйғониш даврини бошдан кечираётган ўзбек зиёлилари ўртасида кенг муҳокама қилинган. Халқ ҳофизии Дадаҳон Ҳасаннинг эслашича, шу йилларда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Наврўзни "Бахт ва Баҳор" байрами, деб ўзгартириш ташаббуси билан чиққан. "Ўзбекистон Марказий кўмитасининг идеология бўйича котибаси Раъно Абдуллаева эди. У кўмита пленумида Наврўзни диний байрам, деб танқид қилган. Абдулла Орипов эса бу бахт ва баҳор байрами деган. Кейин мен "Мархабо Наврўзи олам" деган кўшиғимни айтиб чиққан эдим", – деб хотирлайди Дадаҳон Ҳасан.

1980 – 90 йиллардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар иштирокчиси бўлган ўзбек зиёлиларидан бири Хайитбой Абдуллаевнинг фикрича, Наврўзни таъқиллаш ўзбек коммунистлари ташаббуси бўлган. "Бу фақат Ўзбекистон Компартиясининг қарори билан таъқиланган. Чунки қўшни Тожикистон ва Қозғистонда Наврўз байрам қилинаётган эди", – дейди у. Файзулла Исоқовнинг фикрича эса, Наврўзни чеклаш асосан Москва буйруғи билан амалга оширилган. "1986 йили шундай қарор қабул қилинган. Ҳозир кўплар бунинг учун Раъно Абдуллаевни айблашади. Лекин аслида бу Москва томонидан бошқарилган. Бу аёлнинг айби шуки, у бу таъқилларга қаршилик қила олмаган", – дейди тарихчи олим. "Номи форсадан келган, қадим зардуштийлар даврига бориб тақалладиган Наврўз фақат туркийларда эмас, балки бугунги Покистон, Афғонистон ва Эронда ҳам нишонланган ва шу кунгача нишонлаб келинади", – дейди Файзулла Исоқов.

Статистик маълумотларга кўра, Наврўз байрами қарийб 300 млн аҳоли байрам сифатида нишонлайди. Кўклам бошланишидан дарақ берувчи бу кун деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган туркий

халқлар томонидан турлича нишонланган. "Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Наврўзни кейинги йилгача қозонини тўлиб турсин деган маънода "Қозон тўлди" деб ҳам аташган. Утўқ туркийлар бу байрамда етти хил овқат қилишган. Уни янги йил сифатида қуттишган. Айрим жойларда лол байрами сифатида нишонланган", – деб ёзган Хайитбой Абдуллаев.

НАВРЎЗ ВА ИСТИҚЛОЛ

Юртимиз мустақиллигининг илк йилдаёқ, аниқроғи, 1991 йили Наврўз байрамни тиклаш ҳақида Биринчи Президентимиз томонидан махсус Фармон қабул қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжатда республикада инсоний қадриятларни янада қамол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий гурурини мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик, меҳр-шафқатни улуглаш, маданий ва тарихий аъёнаниларни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланиган урф-одатлар ва удувларни эъозлаш мақсадида Наврўз байрамни кенг нишонлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган эди. Шундан буён ҳар йили кўклам фаслида аъёнанив тарзда ўтказиб келинаётган Наврўз байрами халқимиз миллий аъёнаниларнинг асрлар гўборидан покланиши ва қайта юз очиши сифатида янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Наврўзни Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ўз миллий байрамларидек қабул қилиб, тўқин дастурхон ва халқ сайллари билан нишонламоқда.

1991 йилдан кейин Наврўз умумхалқ байрами даражасига кўтарилди. Байрам бугун катта тайёргарлик билан қаршиланади. Ўтган йилларда халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ барча қадимий қадриятлари нафақат асл қиёфасига қайтиди, балки мазмунан бойиди, эзгулик билан йўғрилган янги қирралари янада сайқал топди. Кўпқари, кураш каби миллий уйинларимиз, арғимчор учиш, варрак учуриш, кўчқор уриштириш аъёнанилари, фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишлари, лапар, ўлан, алла оҳанглари, қўли гул

хунармандлар ясаган ранг-баранг амалий санъат намуналари, дорбоз, аскиячи ва қизикчиларнинг томошалари, маҳалла-қўй ободлиги, оилалар фаровонлиги, эҳтиёж-мадлага қайри-саховат кўрсатиши билан боғлиқ удувларнинг янги тақлиқлари, қанча таомлар бор экан. Қанча қўшиқлар, қанча таомлар бор экан. Ҳатто биргаликда жўр бўлиб, айтиладиган қўшиқларимиз бор экан. Қабристонга бориш, ўганларни хотирлаш каби удувлари бор экан", – деб ёзган.

Наврўз, айрим диндорлар назарида, исломга хос байрам эмас. Шариатга тўғри келмайди, деб ҳисоблашади. Бу мунозаралар ҳар доим ҳам бўлмаса-да, ижтимоий тарихдан хабари бор инсонлар юқоридаги талқинни тамоман рад этишади. "Қадим замонларда Наврўз эҳтимом бошқа бир диний тарихга эга бўлгандир. Лекин вақт ўтиши билан Наврўз миллий аъёнанига айланди. Наврўз кунини қўйиб бир кундан иккинчи кунга ўтади. Бурж таҳлил қилинади. Ислом дунёси бу ҳақиқатни тан олади. Шариатда бунга қаршилик йўқ. Аксинча, ҳаммаша ҳурмат қилиб келинган. Афсуски, мутаассиб, фикр доираси тор диний оқимлар нафақат Наврўзни, балки бошқа аъёнаниларни ҳам инкор этиши мумкин", – дейди исломшунос олимлардан бири.

Бугун эмин-эркин, кенг миқёсда нишонладиган бу байрам қанчалик тазийк ва таъсирларга учрамасин халқимизнинг сеvimли тантанасига айланиб улгурган. Қадрият ва аъёнанилар халқнинг халқ, миллатнинг миллат бўлишида асосий роль ўйнайди. Шу сабаб, бундай қадимий аъёнаниларнинг давом эттиришимиз, борини сақлаб қолтишимиз жуда муҳим. Шуқрки, ҳозир тамоман бошқа бир давр. Юртимизнинг ҳар бир бурчагида Наврўз шодиёналари, байрам тадбирлари нишонланади. Халқ уйинлари, кураш ва кўпқари томошалари ташкил қилинади. Дошқозоналар сума-

лақлар қайнайди, кўк сомсалар дастурхонга тортилади. Йилнинг барокатини сўраб дуои фотихалар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг "2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди халқимиз миллий юксалиши ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва аъёнаниларимиз қатори Наврўз байрамнинг ҳам ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгилашни, яхшилик ва бағрикенглик, табиати асраб-авайлаш, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига ғоят ҳамоҳанг экани таъкидланган.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан 21 март – бутун дунёда Халқор Наврўз кунини сифатида белгиланган Наврўз оламнинг ана шундай бекиёё аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмини янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш белгиланган.

Истиқлол йилларида Наврўз ва Мустақиллик байрамларини юртимиз ободлиги, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган янги бунёдкорлик иншоотлари, обод қишлоқлар, кўприқлар, янги йўллар очиб билан қаршилаш гузла аъёнанига айланади. Бу йилги Наврўз байрамида ҳам гўзал Ватанимизни янада обод этиб, халқимиз учун бекиёё қулайликлар яратадиган кўплаб янги ободончилик иншоотларини фойдаланишига топширишга пухта тарафдор қурилади. Уй-жой қурилиши, тавли, тиббиёт, маданият, санъат ва бошқа ижтимоий соҳаларда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Шаҳар ва туманлар, қишлоқлар янада чирой очиб, аҳоли турмуш фаровонлиги муттасил юксалмоқда. Байрам арафасида юртимиз бўйлаб умумхалқ хашарининг ўтказилиши эса ушбу байрамни тоза кўнгли ва обод, кўркам шаҳарлару қишлоқларимизда нишонлаш истагини кўрсатади.

Буюқ мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳазратлари "Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур", деб ёзганидек, Наврўз айёми арафасида элнинг узогини яқин, оғирини енгил, Ватанни обод, эл-улусни фаровон қиладиган бундай иншоотлар, йўллар, мукамал лойиҳаланган янги уй-жойлар, обод қишлоқлар, йирик санъат корхоналари элимизга, халқимизга тўхфа қилиниб борар экан, улар бир бутун ҳолда бутун мамлакатимиз ободлиги, халқимиз бадавлатлиги тисмолига айлиб, жаҳон узра истиқлол замонада миллий тараққиёт бобида эришган улкан ютуқларимизни намоён этмақдир.

Наврўз байрамнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, халқимизнинг бирдамлиги намоён бўлади, кишилар қалбиде заъв ва шижоат жўш уради. Ҳамма ёқда байрам қайфияти ва кўтаринкилик ҳукм суради. Бу йилги Наврўз байрами халқимизга кўтлўғ бўлсин. Илимий обод, дастурхонларимиз тўқин, деҳқонларимизнинг ҳосиллари баракали, элур юрт хизматига камарбаста қурувчи ва мейморларимизнинг ишлари ўнгидан келсин, халқимиз эса тинч ва саломат бўлсин дейимиз.

Андижон Наврўз оғушида

Зиё СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мўхбири.

Бугун юртимиз баҳорнинг сержило ранглари ила янада кўркам қиёфа касб этган. Хар бир ҳудудда ҳукм сураётган кўклам шодиёнаси кўнгиллаларга ҳам кўчган. Хонадонлардан бошланган баҳорий кайфият Андижон вилоятидаги хар бир кўча ва маҳаллаларга байрам шукуҳини олиб кирди.

– Андижонликлар Наврўз байрамига тайёргарлиқни ўзлари истиқлол қиляётган кўча ва маҳалладан бошлашди, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Рустамжон Эшонов. – Бу борада айниқса, 16-17 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хашарининг аҳамияти катта бўлди. Наврўз байрамини муносиб қуттиш олиш мақсадига йўналтирилган ушбу тадбир давомида 644 гектар майдон 677 тонна маийий чиқиндилардан тозаланиб, ҳудудлар обод ва кўркам манзилга айлантирилди. 2 015 та кўчада теварак-атрофни тозалаш, манзарали ва мевали дарахт кўчатларини ўтказиш, қабристон, зиёратгоҳларни тартибга келтириш ишлари йўлга қўйилди. 92 км масофадан иборат ариқлар мавсумга шай ҳолатга келтирилган бўлса, 427 та қабристон, 33 та зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Шунингдек, 2 мингдан ортиқ кўчаларни яшил маконга айлантириш мақсадида жами 180 500 туп мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди.

Айтиш жоиз, хайрли ишлар фақат қоғозлардаги ҳисоботлардагина қолиб кетмаслиги учун хар бир экилган кўчат ва мавжуд дарахтларга масъуллар бириктирилди. Бундан ташқари, 58 та янги боғ барпо этилиб, 523 та хонадондаги томорқалар баҳорги мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Наврўз оиди тадбирларига меҳнат жамоалари ҳам фаол иштирок этдилар.

– Байрамга тадорик жараёнида иншоотимизнинг 3 гектардан иборат майдониде тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, – деди "Кампирровот" сув тозалаш иншооти раҳбари Абдумажид Мамасидқов. – Қолаверса, иншоотимиз жойлашган "Кампирровот" МФИдаги ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этдик. Жами 17 200 туп мевали, манзарали ва гул кўчатлари экиб, кенг қўламадаги яшил майдонни яратдик.

Наврўз байрами тантаналари хар бир маҳаллада давом этапти. Жумладан, вилоятдаги мавжуд бошқарув сервис компаниялари томонидан байрамни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида астойдил тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, вилоят марказида 17 та ва мавжуд шаҳар-туман марказларида биттадан арзонлаштирилган савдо ярмаркалари иш бошлади. Уларда 30 дан ортиқ турдаги кундалик эҳтиёжий озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий бозорлардаги нарх-навога нисбатан 30 фоиз арзон баҳода сотилмоқда.

– Вилоятда жами 21 та бошқарув сервис компанияси мавжуд бўлиб, уларнинг хар бириде кўклам шодиёнасига пухта ҳозирлик кўрилди, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Жаҳоҳирбек Худойбердиев. – Натижанда мавжуд 2 минг 36 та кўп қаватли уй атрофидаги 85 минг квадрат метрда иборат майдон тартибга келтирилди. 42 та ки-



риш йўлақлари ва 24 та уйнинг ташқи фасадларини таъмирлаш ишлари бажарилди. 6 минг тупдан зиёд кўчат этилиб, кўп қаватли уйлар олдида яшил макон барпо этилди.

Бу йил Наврўз байрамига бағишланган байрам тадбирлари Янги Андижон шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Бу бежиз эмас, албатта! Боси, кенг қўламада қурилат майдонига айланган 4 минг гектардан иборат ушбу манзил кундан-кунга обод ҳудудга айла-

ниб бормоқда. Лойиҳа қуриб битказилгач, бу ерда 411 минг нафар аҳоли ўз хонадонига эга бўлади.

– Вилоятнинг энг баҳаво, табиати бетакрор манзилида жойлашган Янги Андижон шаҳри бугун ҳақиқий байрамона тус олди, – деди "Ҳонобод уй обод" бошқарув сервис компанияси аъзоси Муаттар Аҳмадалиева. – Наврўз баҳона бу ерда амалга ошириляётган қурилиш жараёнарига гувоҳ бўлмоқдамиз. Янги барпо этиляётган кўп қаватли уй-

лар, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари мамлакатимиз куч-қудратидан далолат, деб биламан. Мана шундай шижоатли даврга бугунгидек шоду хуррамлик ярашади.

Хар даврда янграётган ашулау лапарлар, анжанча рақслару аскиялар, дошқозонда қайнаётган сумлак ва димланган девзира ошлар юртимиздаги тўқин-сочинлик, тинчлик-хотиржамлик ифодасидир.



ОБОД ВА КЎРКАМ ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Наврўз – тинчлик-тотувлик, фаровонлик байрами. Миллати, динидан қатъи назар, шу юртда яшаётган барча миллатлар, эллатар учун бирдек севимли айём. Кексаю ёш учун бирдек азиз шодиёна! Бу байрам оддий байрам эмас, балки халқимизнинг тарихи, фалсафаси, тушунча тасаввури, қадриятларини ўзида муҷассам этган, миллат билан улғайиб, миллат билан бирга тараққий этган байрам. Бу байрам қадим-қадим замонлардан бунён халқимиз ардоқлаб келаётган, элимизни, юртимизни улғулаб келаётган байрам. Биз ҳар йили бу айёмни зўр тантана билан нишонлаймиз. Ҳар йили унинг янгидан-янги қирраларини, асрлар бўйи сир-синоат бўлиб келаётган жиҳатларини кашф этиб бораверамиз.

Айтиш мумкинки, мустақиллик даврида Наврўз тамонига янгича мазмун ва моҳият кашф этди. Халқимиз ҳаётининг ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Чунки қадимда Наврўз кенг дала, қирлар, тоғлар, боғлар кўйида бутун элу улус билан бир-галликда нишонланган. Бундай сайларда оддий деҳқон ҳам, амалдор ҳам барчаси бирдек иштирок этган. Наврўзнинг тантанали кутиб олинишига ўз хиссасини қўшган.

Наврўзга оид яна бир анъана борки, уни халқимиз неча йилдирки давом эттириб келади. Яъни, байрам арафасида дала-боғ, шаҳар киш-лоқлар, кўчаю қабристонлар, уй ва ховлилар, маҳаллаю мактаблар ҳудудини ободонлаштириш азалий одатга айланган. Бунда ҳар ким энг аввало, дилини поклаб, яхши ниятда янги кунни кутиб олишга тайёргарлик қўради. Ахир, нафақат тинч-тотув, балки обод ва кўркам юртгагина байрамлар ярашади. Тоza ва озода жойдагина тантаналар муносиб қарши олинади.

Шу боис, ҳар йили Наврўз байрами арафасида ушбу айёмни муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида ҳашар ўтказиш қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида яхши анъанага айланган. Бу йил ҳам Ўзбекистон бўйлаб 16-18 март кунлари "Обод ва файли маҳалла – юрт кўрки" шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Қолаверса, айни пайтда юртимизда ҳукм сураётган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш

мақсадида ҳам ушбу хайри тadbир-да ҳар бир юрдошимиз бу йил ўзгача хайрихолик билан иштирок этди.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари, хусусан, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ходимлари ташкилот атрофидаги ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига аҳиллик билан киришдилар. Бунда кўплаб даракт оқлаиб, бионинг ички ва ташқи қиёфаси саранжом-сарихта қилинди.

Дарҳақиқат, халқимизда дунёнинг бошқа халқлари ўрганадиган, ҳавас қилса арзийдиган қадриятлар, урф-одатлар талайгина. Шулардан бири ҳашардир. Ҳашар – бу ижтимоий ҳамкорлик ва бегараз ёрдам шакллари билан бири. Неcha юз йиллардан бунён давом этиб келаётган ушбу анъанага кўра, тозалик, озодалик, кўча-хўбонларни обод қилиш, дарактларга ишлов бериш, атроф-муҳитни озода-сарихталигини таъминлаш каби ишлар баҳарлилади. Қолаверса, ҳашар кунларида одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар жойларини обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш, ху-

дудлар санитария ҳолатини яхшилаш ишлари умумхалқ ҳаракати даражасига кўтарилди.

Кўнгиллардан бошланган ободлик юртимизнинг ҳар бир гўшасига, кўчаю хўбонлар, маҳаллалару киш-лоқлар қиёфасига, кўрмага ўзгача фусункорлик улашди. Она замин бағрига қадалаётган ҳар бир ниҳол табиат ва инсоният ҳаммаҳанглиги, эзгу қадриятларимиз ифодаси сифатида умуммиллий ҳаракатга айланди. Ҳашар давомида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ туманидаги "Талаботир" ҚФЙ ҳудудига икки ярим мингдан зиёд мева-вали ва манзарали даракт кўчатлари экилди. Эзгу ният билан экилган ҳар бир кўчат келажакда яқдиллик ва ахшилик боғини ҳосил қилиши аниқ.

Наврўзни муносиб қарши олиш ҳамда умумхалқ хайрия ҳашари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институти ходимлари томонидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Хусусан, институт ҳудуди ободонлаштирилиб, атроф кўркам қиёфага келтирилди. Манзарали даракт кўчатлари ўтказилиб, ариқлар чиқиндилардан тозаланди.

Байрамни муносиб кутиб олиш иштиёки барча ҳудудлардаги юрдошларимизни ҳам бир мақсад йўлида бирлаштирди. Ҳудудларда ҳам маҳаллалар, аҳоли турар жойлари, хўбонлар, зиёратгоҳлар ва кўчалар ободонлаштирилди. Хусусан, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ҳам "Обод ва файли маҳалла – юрт кўрки" шиори остида ҳашар ташкил этилди. Ҳашар давомида бошқарма биноси атрофидаги дарактларга шакл берилди, атроф супуриб-сидирлиб, чанг-ғуборлардан тозаланди. Фарғона шаҳри Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими ходимлари ҳамда бошқарув компаниялари ҳам бу ишларда фаол қатнашиб, ободонлаштириш юмушларига ўз хиссаларини қўшишди.

Шунингдек, барча ташкилот ва идоралар ходимлари, кенг аҳоли вакиллари қаторида Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ходимлари ҳам жонбоз-

лик кўрсатишди.

Бундан ташқари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ходимлари ҳам эрта тонгдан ташкилотда жам бўлиб, хайри ишга бел боғлашди. Хайри тadbирда ҳудудий бўлинмалар ҳам фаол иштирок этишди. Хусусан, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида ходимлар томонидан экин майдонлари баҳорги мавсумга тайёрланиб, даракт ва буталар, йўлаклар ёқаси оқланди. Ариқлар ва атроф-муҳит чиқиндилардан тозаланди. Ушбу тadbирларга Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давомида инспекция биноси атрофи тозаланди, дарактларга шакл берилиб, уларнинг остки қисмлари оқланди ҳамда гуллар экилди. Ушбу ободонлаштириш ишларида Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари ҳам қатта ташаббус кўрсатишди.

Ўзаро бирдамликда ўтказилган ушбу хайри тadbирда Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети раҳбарияти, ишчи-ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари ҳам фаол иштирок этилди. Университет ҳудудини обод қилиш мақсадида эрта тонгдан деярли барча университет зиёлилари, уларнинг фарзандлари, "Еш волонтерлар" клуби ва университет Ешлари иттифоқининг ҳар бир аъзоси сидқиқидан ишга киришди. Университет ҳудуди ва Мирзо Улуғбек номидаги хўбон ўт, хас-хашакдан тозаланди, дарактлар оқлаиб, кўчатларнинг таги юмшатилди.

Бир сўз билан айтганда, кўнгиллару дилларни, кишиларни эзгу ниятда бирлаштирган ушбу тadbир тудфаили бугун юртимиз янада чирой очиб, гўзаллашди. Бугунги Наврўз тантаналари эса обод ва кўркам, тоза ва озода юртга, унинг халқига янада хуш кайфият бағишлаётгани шубҳасиз.

Барчаси халқ розилиги учун

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Кўшқўпир – Хоразм вилоятидаги энг катта туманлардан бири. 1936 йилда ташкил этилган ушбу туман 1962 йил 14 декабрда Хива туманига қўшиб юборилган. 1966 йил 9 январда қайта ташкил этилган. Шимолдан Шовот, шимолий шарқдан Урганч тумани, жанубдан Хива тумани, ғарбдан Туркменистон давлати билан чегарадош. Кейинги етти йил ичида туман қиёфаси тубдан ўзгариб, янгидан янги турар жой бинолари қурилди, йўллар инфратузилмаси, аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш, табиий газ ва электр таъминотида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Тумандаги 50 та маҳаллада 48576 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли сони йилига 3 минг нафарга ўсиб бормоқда. Шундан ҳам аёнки, аҳоли сонининг ўсиб бориши билан уларнинг уй-жойга бўлган талаби ҳам ортади. Бу эса туманда қурилиш соҳасига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Туманнинг Шовот тумани билан чегарадош Ёвғур маҳалласида бир пайтлари ташландиқ бўлиб ётган кўмликларга туташ майдонда бугунги кунда "Янги Ўзбекистон" массиви қад ростламоқда. 32,8 гектар майдонда кўп қаватли уйлар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, бир сўз билан айтганда, ижтимоий соҳа объектлари ҳам бунёд этиляпти.

Ҳозиргача "Янги Ўзбекистон" массивида 20 хонадонли 5 қаватли 19 та турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишлар 2024 йилда ҳам давом эттирилиб, айни пайтда 17 та кўп қаватли 440 хонадонли уй-жойлар қурилиш жадвали билан олиб борилаётганда. Бундан ташқари, ҳудудда 528 ўринли мактаб, 660 миллион сўм маблағ эвазига маҳалла фуқаролар йиғини биноси қурилиши ҳам давом эттирилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, Ёвғур маҳалласида кичик бир шаҳарча барпо этиляпти. Ўз-ўзидан маълумки шаҳарча бўлгандан кейин албатта, канализация ва ичимлик суви, газ, электр тармоқлари ўтказиш ҳам зарур бўлади. Бу йўналишдаги ишларга 60 миллиард сўм ажратилиб, бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек шаҳарчада 0,5 гектар майдонда бозор, аҳолининг дам олиши учун яшил зонали парк ҳам ташкил этиш ражалаштирилган. Эндиликда қурилаётган турар жой биноларининг биринчи қаватини савдо ва аҳолига сервис хизмат кўрсатиш шохобчаларига бериш назарда тутилган. Қолаверса, массивда йўл инфратузилмасига ҳам эътибор қаратилиб, йўлакчалар, автотураргоҳлар ҳам ташкил этилмоқда. Йўл четларида тунги ёришиш чироклари ўрнатиляпти. Тан олиб айтиш кераки, ушбу ҳудуд ҳақиқий маънода халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган гўзал масканга айланмоқда. Бу ерда 2027 йилгача 91 та 2810 хонадонли турар жой биноси қурилиши ражалаштирилган.

2022-2023 йилларда туманда субсидия асосида уй-жой олиш истагини билдирган аҳоли сони 506 нафарни ташкил қилган. Субсидия ҳақиқий маънода юрдошларимизга имтиёз асо-

сида уй-жойлар олиш имконини яратди, деб айтоламиз.

– Субсидия асосида икки хонали уйга эга бўлди, – деди янги хонадон эгаларидан бири Гулчехра Саидамедова. – Газ, электр, водопровод масаллари ҳам тўлиқ ҳал этилган. Уйимиз хар томонлама қулай ва шинам. Уйли бўлганимизга бир қувонсак, унинг кўркам ва қулайлигидан яна бир қарра қувонамиз.

"Янги Ўзбекистон" массивининг биринчи босқичида 21 гектарлик майдонда 61 та уй-жой ва инфратузилма объекти, иккинчи босқичида 30 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши ражалаштирилган. Ҳуш қурилаётган уй-жойларнинг сифати қай даражада?

– Қурилиш ишларида сифат биринчи ўринда, – деди туман ҳокими ўринбосари Равшанбек Матқурбон. – Тайёр келаётган бетон, арматураларнинг сифатлилик даражаси ва қурувчиларнинг сифатга эътибор бериши доимий назоратга олинган. Мақсадимиз – аҳолини нафақат кўркам, балки мустаҳкам ва сифатли хонадон билан ҳам таъминлашдан иборат. Шунингдек, массивда ичимлик суви ва канализация тармоқларини ўрнатиш бўйича ҳам манзилли лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, бу йўналишда ҳам юмушлар қизгин давом эттирилмоқда. Аҳамиятисиз шундаки, ҳудуд аҳолиси учун 2 гектарлик майдонда шу ернинг ўзида ичимлик суви ва оқова суви учун иншоот қуриляпти.

Бундан ташқари, ҳозирда туманнинг Незаҳос маҳалласида ҳам бунёдкорлик ишлари қизгин тусга кирган. Бу ерда янги мактабгача таълим ташкилоти қад ростляпти. Маҳалладаги 1042 та хонадонда 5542 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 369 нафари мактаб ёшигача бўлган болалар бўлиб, 191 нафари мактабгача таълим ташкилотига қамраб олинган. Ҳозиргача ишлаб турган боғча 1973 йилда қурилган бўлиб, бугуннинг талабига жавоб бермай қолган эди. 4 миллиондан зиёд маблағ эвазига қурилаётган янги боғча биноси эса яқин кунларда ишга туширилиши ражалаштирилган. Шунингдек маҳаллада оилавий шифохона, умумтаълим мактаби ҳам қурилиб, ишга туширилди. 8 километр йўллар асфальт қилиниб, кўчаларга тош-шағал аралашмаси ётқизилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Кўшқўпир туманидаги ўзгариш ва бунёдкорликлардан халқимиз рози.

Аҳолига байрамона кайфият бағишлаётган бунёдкорликлар

Уқун ТОЖИЕВ, журналист.

Хабарингиз бор, футбол бўйича 2024 йилги жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтказилади ва Бухоро шаҳри мазкур йирик мусобақанинг асосий мезбонларидан бири бўлади. Мазкур мусобақани Бухоро шаҳрида барпо этилаётган "Универсал" спорт мажмуасида ўтказиш чора-тadbир қўрилмоқда. Ҳозирда "Универсал" замонавий андозадаги спорт мажмуасининг қурилиши яқиний босқичга кирган. Мазкур иншоот бош пудратчи ташкилот "Когон нефтгаз энерго сервис" МЧЖ жамоаси томонидан бунёд этилмоқда.

Лойиҳага кўра, ушбу спорт мажмуаси 4 минг томошабин ўрнига мўлжалланган манеж ва кўп-лаб спорт турларига ихтисослашган секциялар, ўқув-машғулотлар заллари, VIP ложа, ўйин зали, ювиниш-кийиш хоналари, спорт жиҳозларини сақлаш хоналаридан иборат бўлади. Шунингдек, мухташам спорт мажмуаси атрофида автотураргоҳ, югуриш йўлаклари, сунъий қопламали футбол майдони ҳам барпо этилмоқда. Маҳаллий бинокорлар сая-ҳаракати билан мазкур иншоотни қисқа муддатда фойдаланишга топшириш мақсад қилинган. Бунда барча лойиҳалар футбол бўйича 2024 йилги жаҳон чемпионатини қарши олишдан ташқари, Бухорода саяёхлик тармоғини ривожлантиришга хизмат қилиши ҳам кўзда тутилган ҳолда амалга ошириляпти. Шу билан бирга, яқин ойларида "Янги Ўзбекистон" боғида ўйингоҳ лойиҳаси ҳам амалга ошириляпти.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 10 декабрда эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Республикада эндокрин касалликларини барақат аниқлаш ва даволашга 25 йил давомида эътибор сўсайиб кетгани ҳам адолатли ҳақиқат", дея алоҳида таъкидланиб, Президентимиз томонидан кейинги йилларда соҳада амалга

оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар санаб ўтилган.

Шу нуқтаи назардан, Бухоро шаҳрида эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва даволаш тизимини яхшилаш мақсадида 120 ўринга мўлжалланган эндокринология диспансери биносини қуришга қарор қилинган эди. Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона биорумтачи инжиниринг компанияси" биорумтачиликда ушбу иншоотнинг лойиҳа қиймати қарийб 48 миллиард сўмга баҳоланган. 47-сонли хўжалиқлараро кўча механизациялашган колонна" МЧЖ бунёдкорлари томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишлари тез орада яқунланиб, бинокорлар яна бир замонавий шифо масканига эга бўлишди.

Албатта, айни кунда қурилиш-монтаж, жиҳозлаш, пардозлаш ишлари жадал кўриниш олган мазкур иншоотлардаги бунёдкорлик ишлари республика ҳамда вилоят мутасаддилари диққат марказида. Кундалик ўрганишларда пудрат ташкилотлари, бинокорлар жамоаси дуч келаётган ташвиш, муаммолар, иншоотлар лойиҳасини сифатли ва ўз вақтида удалаш учун қурилиш ашёлари таъминотини барқарор изга солиш чоралари қўрилмоқда.

Аҳамиятли томони, айни Наврўз байрами арафасида бундай мухташам иншоотларнинг барпо этилиши буҳороликларга ҳам байрамона кайфият ва ўзгача ифтихор бағишлаётгани роост.

ОБОД ЮРТДА КЎКЛАМ ТАРОВАТИ

Шухрат НОРМУРОДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кўклам нафаси, сахарларнинг таровати ўзгача. Тонгларни майин шаббодая, анчандай буён қулоғимизга чалинмай қолган сайроқи қушларнинг дилга қувонч улашувчи овози билан қарши оламиз. Қийғос гуллаган бодому ўрик шохларига боқиб, асаларининг гулдан-гулга қўниб, аллақачон ҳаракатга тушиб қолганидан завқланиб кетади киши. Кимдир кўчат ўтказишга чоғланган, кимдир майса ундиради, қавм-қариндош, маҳалла аҳли катта-катта дошқозонлар атрофида сумалак тайёрлашга ошиқади. Шу зайлда юртга Наврўзи олам келади.



Наврўзи шукуҳи кезиб юрган шу фараҳбахш кунларда юртимизнинг қай бир гўша-сига борманг, албатта, хурсандчиликнинг устидан чиқасиз. Одамларнинг юз-кўзидagi шодлик, ёшларимиз ниғоҳидagi шижоат. Янги Ўзбекистонимизнинг бугунги файзу шукуҳидан шаҳару кишлоқларимиз тобора обод ва фаровонлашиб бораётгандек. Албатта-да, бундай байрамлар тинч-хотиржам, одамлари соғ-омон, ёшлари шодумон элга ярашади. Шу кунларда ватанимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Навой вилоятининг шаҳар ва кишлоқлари ҳам баҳор, Наврўзи огушади.

Турган хушқомат арчалар, баҳор нафасидан кокиллари эзиб ташлаган мажнун-толлар, зумрад майсазорлар байрам саҳни жойлашган майдонга табиий равишда бетакорор чирой берган бўлса, саҳна безаклари, ажойиб декорациялар, гуллар, мусика садолари, энг муҳими, одамлар юзидagi мамнунлик ва севиноч ифодалари байрамга ўзгача файз, мазмун бахш этиб турибди. Томошагоҳдан туманининг меҳнат фахрийлари, турли соҳа фаоллари, тақлиф этилган меҳмонлар жой олишган.

Миллий ўйинларимизни намойиш этаётган дорбозлару, полвонларнинг қўқшлари қадриятларимиздан сўзлайди. Байрамга тумандаги ҳар бир корхона ва ташкилот ҳамда муассасаларда кўтаринки руҳда тайёргарлик қўрилди, – деди Қизилтепа тумани ҳокимлигининг матбуот котиби Алишер Умидов. – Марказий кўча ва истироҳат боғларида байрамга хос широрлар, ранг-баранг байроқчалар илминди. Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келган эзгу удуллар бардавом бўлиб, Наврўзи айёми олдидан барча маҳаллаларда “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шiori остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Кўчалар обод этилиб, ариқ ва зовурлар тозаланди. Мева ва манзарали дарахтлар, турфа ранг гуллар ўтказилди. Туманимиз қишлоқларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, бемор

фуқаролар, кекса нуронийлар ҳолидан хабар олинди. Айни шу савий-ҳаракатлар туфайли бугун қўтлуғ шодийнани барча бирдек, хурсандчилик билан қарши олмақда. Бундан ташқари, кураш бўйича ўтказилган турли вазн тоифаларидаги мусобақалар туфайли ангидан-янги полвонлар кашф этилди. Шунингдек, шодийнелар давомида аркон тортиш бўйича мусобақаларда туманининг алп йигитлари ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Бокс, қаратэ ҳамда бадий гимнастика спорт турлари бўйича кўрғазими чиқишлар байрам тароватини янада оширди. Барча мусобақаларда фаол иштирок этган ҳамда ғолибликни қўлга киритган спортчиларга туман ҳокимлиги, байрам ташкилотчиларининг дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Байрам сайли, халқ ўйинлари, мусобақалар кексаю эшга завқ улашди. Нуроний отахон ва онахонларимиз юзи ва кўзидачексиз шодлик мужжасам бўлди.

– Яна бир баҳорни қарши олиб, кўни-кўшни, маҳалладош, фарзанду набиралар бир даврада, ҳамжихат ва аҳил бўлиб, юз кўришиб турганимиз учун Аллоҳга шукроналар бўлсин, – деди туманининг Тошрабод қишлоғида истиқомат қилувчи 80 ёшли отахон Сафоқул бобо Жураев. – Қачонлардир бу кунлар орзу эди, байраму тўй татимасди, қорнимиз тўйиб, овқат емаган кунларимиз кўп бўлган. Энди мўл-кўччиликни қаранг, болаларимизнинг шодлигини бир кўринг, халқимизнинг орзу-хавасига бир назар солинг. Буларнинг барчаси тинчлигимиз туфайли, доно ва оқил раҳбарларимиз, Юртбошимизнинг гамхўрлиги туфайли.

Анъанага кўра, Навойида ҳар йили байрам арафасида халқимизга хос бўлган эзгу ишлар кўпроқ амалга оширилади. Қизилтепада ҳам Наврўзи олди бир қатор хайри тadbирлар бажарилди. Кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон ва ёлғиз кексалар, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларида тарбияланувчилар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Наврўзи оламни интиқ кўтмаган киши бўлмас керак, – деди Ванғози маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Обид Идрисов. – Бу шодийна олдидан бутун маҳалла ҳамжихат бўлиб кўчаларимиз, гузарларимизда ҳашарлар ташкил этилди. Эътибор ва гамхўрликка муҳтож кўни-кўшнларимиз ҳолидан хабар олдик, қўлимиздан келганча ёрдам қўлини чўздик. Мана, бугун барчамиз бир бўлиб байрамга чиқдик. Оиламиз, фарзанду набираларимизнинг хурсандчилиги чексиз. Илоҳим, юртимизнинг ана шундай тўй-тантаналари бардавом бўлсин. Ўзбекистонимиз тинч ва осийишта бўлсин.

Дарҳақиқат, Наврўзи – авлодлар ҳамжихатлиги, Бу эртанги кун учун бирга ташланган қадам. Ватанимизнинг бепоён худудларида, шаҳар ва кишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўзи сайиллари катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан давом этади, Наврўзи таровати бутун юрт зура қалблардан қалбларга кўчиб юреради. Юртимизга файзу баракка тимсоли бўлиб хуш келибсан, Наврўзи олам!

Майса ҳидига асир, хушбўй сабо елмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Фасллар келинчаги баҳорнинг севишли байрами – Наврўзи айёмини бу йил ҳам халқимиз кўтаринки руҳда кутиб олмоқда. Бунинг боиси, қиш мавсуми мўътадил келган бўлса-да, табиат ўз саховатини аямади. Чунки анча йилдан буён баҳор бу даражада серёгин бошланмаганди. Она табиатнинг бу инъоми одамларни руҳлантириш, ризқ-насибимиз мўл бўлишидан дарак берди. Бу кайфият ўз навбатида барча жабҳалардаги ишларнинг янада қизгин тусга киришига туртки берапти. Байрам арафасида умумхалқ хайрия ҳашари уюштирилгани эса улкан ишларнинг бошланишига йўл очди.

Табиатга кўркам тус берган баҳор бошқа ҳудудлардаги сингари Жижза вилоятининг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларида ҳам жўшқин ҳаёт кўшигини янраганди. Бугун вилоятнинг туман ва маҳаллалари байрам шукуҳига бурканган. Дошқозонларда сумалак, халим каби баҳорнинг тансиқ таомлари тайёрланиб, одамларга тарқатилмоқда. Жаҳон талаблари даражасида бўнбўй этилган марказий сайилгоҳда ташкил қилинган байрам тadbирлари ва ҳар хил аттракционлар каттаю кичикни хушнуд этаётди.

Одамларнинг юз-кўзидачексиз эртан самийи шодлики кўриб, бунинг замирида худудда амалга оширилаётган ислохотлар самараси мужжасам эканини пайқаш қийин эмас. Вилоятда дастурлар доирасида 2 млрд 500 млн АҚШ долларлик инвестициялар жалб қилинган ҳисобига агро-саноат мажмуи билан бирга янги турдаги 3500 та саноат ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ишга туширилди.

Тadbиркор ва ишбилармонларга дастурил-амал бўлаётган қонунлар самарасида қурилиш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Ўтган даврда юзлаб кўп қаватли турар жойлар бунёд этилгани эса уй-жойга муҳтожлар учун ислохотлар даврининг энг катта совғаси бўлди. Туманлар кесимида нафақат турар жойлар, балки маъмурий бинолар, мактаб, болалар боғчалари, кутубхоналар, ички йўллар ва бошқа иншоотлар босқичма-босқич барпо этилаётгани ҳам жижзаларнинг энг азалий ораси эди.

Иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган яна бир жиҳат бор, у ҳам бўлса, йилдан-йилга ортиқча сарф-ҳаражатларни камайтириш ҳисобига маҳаллий бюджетга 1 трлн 100 млрд сўмдан зиёд қўшимча маблағлар шакллантирилгани ҳамда худуд иختиёрига қолдирилганидир. Айни пайтда бу тежамкорликнинг катта қисми ишбилармонлар фаолиятини юксалтиришга йўналтирилгани боис, туманларда ихчам ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этиляпти. Ундан ортик тadbиркор эса захирадаги хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Эътиборлиси, шакллантирилган маблағ аниқ мақсадларга йўналтирилгани ва кўплаб тар-

моқлар ривожига фаолликни оширгани туфайли яна салкам 4 400 та янги тadbиркорлик субъекти юзага келишига имкон берди. Шунинг ҳисобига бугунги кунда вилоят тармақига ҳисса қўшаётган субъектлар сони 16 700 тадан ошди. Албатта, қисқа даврда бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмаган, унинг аввалида вилоят аҳлининг меҳнатсеварлиги, келажакка ишонч ва эътиқоди мустаҳкамлиги мужжасамдир.

Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини турар жой билан таъминлашга йўналтирилган дастурга кўра, 3 115 хонадонли 84 та, шундан “Янги Ўзбекистон” массивларида 26 та, талаб юқори бўлган бошқа худудларда тadbиркорлар томонидан 58 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган эди. Хусусан, йил бошидан Шароф Рашидов туманидаги “Оқтош ота” МФИда 14 та, “Қаҳрамон” МФИда 2 та ва Дўстлик туманидаги “Чинобод” МФИ худудидан 10 та иншоотнинг лойиҳаси тайёрланиб, қурилиш ишлари олиб борилди. Маҳаллий хомашёлардан тайёрланган материаллардан самарали фойдаланилгани сабабли режага киритилганлари ўз муддатига фойдаланишга топширилди. Уларнинг аксарияти йилдан-йилга ўтувчи булгани учун шу кунларда лойиҳада кўрсатилгани бўйича бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари айниқса, “Оқтош ота” массивида қизгин паллага кирган. “Йўл харитаси”га кўра, бу жойда 2022-2026 йиллар давомида 68 та 16 ва 9 қаватли, 2 604 хонадонга мўлжалланган турар жойлар, 2 та 1 680 ўринли умумтаълим мактаби, 2 та 360 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла идоралари, оилавий поликлиника, маданият уйи, ёнгин депоси, спорт ва соғломлаштириш маркази бинолари, тикувчилик цехи, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохбчаларини қуриш белгиланган. Массивда бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш баробарида аҳолига қўлай шароитлар яратиш мақсадида коммуникация тармоқларини шакллантириш соҳа ходимлари олдидagi энг муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бунинг натижасида яқунланган йили иссиқлик таъминоти объекти учун 42,1 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари

бажарилиб, 9,3 километр ичимлик суви, 13,1 километр оқова сув тизимлари, 3 та сув иншооти, 11 километр юқори ва паст кучланишли электр линияси тортилди, 22 та трансформатор ўрнатилди. Жорий йилда ҳам коммуникация тармоғи билан боғлиқ ишлар давом эттирилиб, Наврўзи байрами арафасида массивдаги яна иккита кўп қаватли турар жой газ ва электр, ичимлик ҳамда оқова сув тармоғига уланди. Замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилгани эса янги хонадонларда яшаётган ёшларга байрам туҳфаси бўлди. Шунингдек, йилдан-йилга ўтувчи объектлар қурилишини жадаллаштириш қаторида 2024 йилнинг инвестиция дастури доирасида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини шакллантириш юзасидан 110 та, шундан 33 таси йилдан-йилга ўтувчи объектлар, 29 та умумтаълим мактаби, 2 та ижод ва ихтисослаштирилган мактаб, 6 та мактабгача таълим ташкилоти, 6 та соғлиқни сақлаш, 1 та спортни ривожлантириш, 12 та қирғоқ бўйи ва химёя объекти, 1 та ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа иншоотлар қурилиши белгиланган.

Буллардан ташқари, 1 та автомобиль йўли, 6 та ирригация ва 6 та мелиорация тармоқлари, 4 та йилдан-йилга ўтувчи ичимлик ҳамда оқова сув, 1 та иссиқлик тизими, 5 та махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, 2 та муҳандислик инфратузилмаси ҳамда алоҳида муҳим тоифаланган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ишлари ҳам дастурга киритилган. Шу йўналишдаги тизимли ишларга эътибор қўйиб қурилиш сабабли, ҳозиргача 77 та янги қуриладиган объектдан 71 тасининг лойиҳа-смета ҳужжати тайёрланиб, 65 тасига экспертиза томонидан ижобий хулосалар берилган ҳамда барчасида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган.

“Оқтош ота” МФИдаги массивда эса кўп қаватли уй-жойларнинг аксариятини яқин ойларида фойдаланишга топшириш учун барча зарур ишларнинг сўнгги босқичи амалга оширилди. Шунингдек, бу ерда аҳолининг маданий дам олишига мўлжалланган 50 гектарда яшил майдон ташкил этиш мақсадида муҳим чора-tadbирлар қилинмоқда. Жумладан, “Олам нурга тўлсин, сен билан Наврўзи” ғояси асосида худуд янада гўзалликка бурканмоқда, йўлақлар таъмирланиб, катталарнинг хордик чиқаришлари, болалар майдончаларида турли хил ўйинлар ўтказилишига шароитлар яратилиб, умумхалқ ҳашарида турли хилдаги дарахт кўчатлари ҳам экилди. Бугунги кунда майдон атрофидаги 4 миллиондан ортик мева ва манзарали кўчатларнинг парвариши алоҳида эътиборга олинган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг бугунги-дек бетакорор ва гўзал киефага кириши аввалида захматкаш қурувчиларнинг алоҳида ҳиссаси бор. Уларнинг бунёдкорлик соҳасида катта тажриба тўплагани эса жорий йилда кад рoстлаётган муҳташам биноларда янада яққол кўзга ташланмоқда.

Ҳар гўшада фаровон ҳаёт нафаси

Майна ҲАСАНОВА, журналист.

Азим пойтахтдан четга чиқмаган Нигорахон турмуш ўртоғининг хизмат вазифаси Қашқадарёга ўтказилганини эшитиб бироз саросимага тушиб қолди. Янги келин эмасми, ҳали турмуш муштларини татиб кўрмаган, барча шароитларга эга бўлган бекаму кўст уйда яшаб ўрганган, Тошкентдан нарини кишлоқ, деб тасаввур қиладиган Нигорахонни умуман бошқа шароитга кўника олиш ҳисси қийнади.

Нигорахон мана шундай ўйлар қуршовида ўзларига керакли бўлган буюмларни йўл халталарига жойлади ва эрта тонгда Қашқадарё томон йўл олишди. Шаҳардан тобора олислаб борар экан, кўн-кўк далалар, шаҳар кўркининг умуман тескариси бўлган манзаралар унинг қалбига доғ бўлган гўзал уйғотса, гоҳ тушкунлик кайфиятини берарди. Ёш келин-кўёв манзил сари одимлар экан, учта вилоятни ортада қолдириб ниҳоят, Қашқадарёга етиб келишди. Вилоят маркази – Қарши шаҳригача бўлган манзара, яъни пастқам, лойсувоқ уйлари дала-дашлар Нигорахонни бироз чўчитган бўлса-да, бироқ рўпарасида пайдо бўлган гўзал шаҳар киефаси унинг жаники шубҳаларини ювиб юборди. Қадимий кўринишга эга, атрофи дов-дархатлар билан ўралган кўприкдан ўтар экан, ўзини эрталар оламига тушиб қолгандик ҳис этди. Йўл четиди кад рoстлаган кўп қаватли уйлар, истарали одамлари билан гажум эртанмо бозорлар, замонавий кафе-ресторанлар, уйингоҳларни кўриб, унинг кўнгли анча таскин топди.

Янги қуриб битказилган уйда улар учун аввалдан шай қилиб қўйилган хонадонга кириб эса ўзини янада хотиржам ва бахтли ҳис этди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда республикамизнинг жанубий вилоятларидан бири бўлган Қашқадарё вилояти кўриниши тубдан ўзгарди. Вилоятнинг қай гўшасига борманг, шаҳарсозлиқда дейсизми, таълим ёки тиббиётда дейсизми, қолаверса, аҳолининг турмушида ҳам ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, қурилиш соҳасида олиб борилган ишлар кўламини вилоятнинг ҳар бир масканида кўриш мумкин.

Мазмулотларга кўра, жорий йилда “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси доирасида вилоятда 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя киритилиши кутилмоқда. Бу маблағнинг 88,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги қисми асосан шаҳар хизматларини таъминлаштириш ва шаҳар жамоат жойларини яхшилашга сарф қилинади. Жумладан, вилоятнинг Шаҳрисабз шаҳри, Ғузор, Косон, Китоб ҳамда Деҳқонobod тумани марказлари ва уларга туташ худудларда қурилиш реконструкция ишлари олиб бoрилади. Хусусан, Деҳқонobod туманида маданий бўлими биноси бунёд этилиб, Китоб ва Ғузор туманларидаги марказий истироҳат боғлари реконструкция қилинади. Косон туманида эса маҳалла ва ёшлар коворкинг маркази қурилади.

Қолаверса, Ислон тараққиёти банки иштирокида Китоб, Қамаш, Шаҳрисабз, Яқабғo, Ғузoр ҳамда Деҳқонobod туманларида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси асосида вилоят худудидagi бунёдкорликлар учун жами 76,4 миллион АҚШ доллари миқдоридa маблағ йўналтирилди. Шунинг эвазига олпита тумандаги қишлоқ жойларда 192 километр ирригация ва дренаж тизими, 502 километр электр энергияси таъминоти тармоқлари, 493 километр ичимлик суви ва 69 километр канализация тизимлари яхшиланади. 89 та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 71 та таълим ва 18 та соғлиқни сақлаш муассасаси таъмирланади ва қурилади, 37 та кўприк барпо этилади ва реконструкция қилинади. Бундан ташқари, 320 километр йўлга асфальт, яна 216 километрга шағал қопламаси ётқизилди. Жамоат жойларда тунги кўча ёритиш тизими яхшиланади, пиёдалар йўлақлари қурилади ва таъмирланади, ободонлаштириш ва бошқа қатор амалий ишлар қилиниши кутилмоқда.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ичимлик суви муаммоси ҳамиса дозларб бўлиб келган. Жумладан, Қашқадарё вилояти худудларида, айниқса, кўп қаватли биноларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Бу эса шаҳарсозлиқда олиб бoриладиган ишларда биринчи навбатда ичимлик суви билан боғлиқ муаммони хал қилиш кераклигини талаб этади. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йил мобайнида вилоятда 805,4 километр ичимлик суви қувурлари тортилиб, 73 та сув иншооти, 59 дoна сув олиш қудуқлари қазилиб, 54 дoна сув кўтариш минораси қурилган. Натижада ўтган йил якуни билан аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 51,6 фоиздан 59,4 фоизга етказилган. Жорий йилда эса республика бюджетидан 52 миллиард сўм ажратилиш ҳамда халқаро молия ташкилотларидан 31 миллион АҚШ доллари билан жалб қилиш ҳисобига жами 321 километр ичимлик суви тармоқлари ва 18 та сув иншоотини қуриш орқали марказлашган ичимлик суви таъминоти қамрови 73,6 фоизга етказилиши кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг барча жабҳаларида кузатилаётгандек, Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад – иқтисодий ривожланиш ҳамда аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга эришишдир.



Наманганда Наврўз шодиёналари

Наврўз – янги ризқ-рўз, кун ва тун тенглашадиган, шарқона янги йил. Наманганнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқларида “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” бош ғоясини ўзда мужассам этган умумхалқ сайиллари ўтказилмоқда.

Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Маданият ва истироҳат боғи ҳамда “Афсоналар водийси” хиёбонидида эрта тонгдан Наврўз сайиллари бошланди. Шарқона янги йил бошланишини ўзда ифода этган, минг йилларга бориб тақалладиган, миллий қадриятларимиз тараннуми бўлган Наврўз сайилларида бир-биридан ажойиб кўнгилолчар дастурлар одамларга кўтаринки кайфият улашмоқда. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз. Турли туман замонавий аттракционлар улар хизматида.

Бобур боғига туташ “Тинчлик” стелласи олдидида вилоят секторлари раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилла-

ри, нурунийлар, вилоят ахли ва меҳмонлар тўпланди.

Наманган вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқов йиғилганларни яшариш ва баҳор айёми билан табриқлади.

Вилоят мусикали драма театри жамоаси томонидан Наврўзи оламга бағишланган композиция ва театрлаштирилган чиқишлар ҳавола этилди. Вилоят секторлар раҳбарлари, кайвони нурунийлар кўргазмалар орқали меҳнат ютуқларини намоиш этаётган ташкилотлар, маҳаллалар, тадбиркор ва хунармандлар билан дилдан мулоқотда бўлди.

Этироф этилганидек, Наманган ва наманганликлар Наврўзи оламда ўз олди-

ларига улкан хайрли мақсад ва режаларни белгилаб, бунинг ижросига киришдилар. Жорий йилда вилоятда 3 миллиард доллар миқдоридида хорижий инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Поп-Наманган катта автомобиль магистрал йўлининг 75 километр масофага эга бўлган қисмида таъмирлаш ишлари бошланди. Шунингдек, Уччи тумани орқали Учкўрган ва Норин туманларини марказ билан боғловчи янги йўл ҳамда Норин дарёси устида янги кўприк қуриш ишларига ҳам старт берилди.

Наманган шаҳрини “миллионлик шаҳар” мақомига айлантириш борасида бунёд этилаётган “Янги Наманган” шаҳарчаси қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. Бу муҳташам жойда маърифатпарвар жадидчи аллома Исҳоқхон Тўра Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллар институти биноси фойдаланишга топширилади. Худудларда шаҳар ва туманлар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 2,3 триллион сўм

миқдоридидаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, Мустақиллик байрами арафасида Ахсикент археологик ёдгорлигида “Шарқ тароналари” халқаро мусикий фестивалини ўтказиш режалаштирилган.

Байрамона безанган марказий боғ бугун ўзгача бай-тароватга эга. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларнинг бадиий жамоалари, фольклор-этнографик ансамбллар, таниқли санъаткорлар, эстрада хонандлари, ёзувчи ва шoirлар, рақс жамоалари ҳамда аския санъати усталарининг чиқишлари кўнгиларга хузур бағишламоқда. Сайилларда вилоятдаги Қирғиз, Тожик, Рус ҳамда Корейс миллий маданий марказлари фаоллари ҳам ўз одат ва анъаналари акс этган чиқишлари билан иштирок этгани диққатга сазовор.

Қолаверса, хунармандчилик асарлари ва китоб расталари, “Баҳор неъматлари” кўргазмалари ва ярмаркалари, “Сумалак”

сайиллари, маҳаллалар ёшлари ўртасида миллий спорт ўйинлари мусобақалари, тиббиёт муассасаларининг соғлом турмуш тарзи тарғибот тадбирлари, турли концерт-томоша, маданий кўнгилолчар дастурлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, жойларда арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўча савдо ҳамда тадбиркорлик, хунармандчилик маҳсулотлари дўконлари халқимиз дастурхонига турфа хил неъматларни етказиб бермоқда. Бу йилги Наврўз байрамига муборак Рамазон ойининг тўғри келиши унинг шарофатини икки хисса оширгани, айни ҳақиқат. Узаро меҳр-оқибат, саховат ва муруват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаш, ногиронлиги бор, ёрдамга муҳтож инсонларни хушнуд этиш, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишлар оғушида Наврўзимиз янада фойдаланишга тўлмоқда.

Айниқса, вилоятдаги барча давлат ва жамоат идоралари, дахлдор ташкилотлар,

қолаверса, саховатпеша тадбиркорлар ва депутатлар томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, яқка ёлғиз фахрийларни эъзоллаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож кишилар, ногиронлиги бор оилалар ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ савобли ишлар ҳам ўтказилмоқда. Хусусан, Наманган шаҳрида беш нафар ногиронлиги бор ҳамюртимизга ногиронлик аравачаси топширилди. Янги Наманган туманида эса ижтимоий дафтарлар рўйхатида киритилган хонадонларнинг олти нафар фарзандининг хатна тўйлари нишонланиб, уларга қимматбаҳо тухфалар тақдим қилинди, деб хабар қилади ЎЗА махбири Оқилхон Дадабоев.

Дарҳақиқат, бугун Наманганнинг қай бир гўшасига борманг, Наврўз шукуҳи уфурий турганини хис этасиз. Бир сўз билан айтганда, янгилишни ва яшариш байрами барча маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида кенг нишонланмоқда.

Туризм манзиллари обод бўлди

Абдулазиз МУСАЕВ, ЎЗА мухбири.

Наврўз умумхалқ байрами арафасида “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ўтган хайрия ҳаширида “Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси ходимлари ҳам фаол иштирок этди.



Бўстонлик тумани юқори туристик, табиий имконияти жиҳатидан бошқа худудлардан ажралиб туради. Худудга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилиш учун қулай шароит мавжуд.

Шу тўғрисида табиий муҳитни соф ҳолатда сақлаш, унинг обод манзил бўлишини таъминлаш муҳимдир. Ҳашар давомида туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси билан ҳамкорликда худуддаги асосий автомобиль йўли ёқаларида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, “Новобод” МФЙ худудининг икки километр асосий йўлига асфальт қопламаси ётқизилди. Бундан ташқари, “Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси халқаро мутахассислар иштирокида Бўстонлик худудда мавжуд дам олиш масканлари ва рестороанлар вакиллари учун семинар-тренинг ташкил қилди. Унда туризм соҳасида ўқиётган ва амалиёт ўтаётган талабалар ҳам иштирок этди.

Умуман олганда, бу каби истиқболли ташаббус ва лойиҳалардан кўзланган мақсад худуднинг табиий муҳитини борлиғида сақлаш ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини оширишдир.

Намунали БСКлар – журналистлар нигоҳида

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи компаниялар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида пресс-тур уюштирилди.

Бугунги кунда республикада 1 млн 400 мингдан зиёд хонадондан иборат 41 930 та кўп квартиралли уй мавжуд бўлиб, уларга 811 та бошқарувчи ташкилот ҳамда 159 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатиб келинади. 20 347 та кўп квартиралли уйни бошқараётган 398 та бошқарувчи ташкилот яҳси, 15 981 та кўп квартиралли уйни бошқараётган 369 та бошқарувчи ташкилот ўрта, 2 007 та кўп квартиралли уйни бошқараётган 44 та бошқарувчи ташкилот оғир тоифадаги ҳисобланади. Бошқарувчи ташкилотлари томонидан маъмурий бино қуриш ва бинони таъмирлаш учун 49 млрд сўмдан ортиқ маблағлар сарфланган. Шу билан бирга, бошқарувчи ташкилотларда жами 17 мингдан зиёд зарур моддий-техника ва ускуналар мавжуд.

Амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 278-сон қарори қабул қилинди. Қарорнинг афзалликлари ҳақида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик Кўп қаватли уйларни бошқариш ва мониторинг қилиш бошқарма-

си раҳбари Обиджон Мўминов алоҳида тўхталиб, кўйидаги фикрларни билдирди:

– БСКлар амалга оширадиган турли хизматлар учун вазирилик минимал нарх белгилаб берадиган бўлди. Лўнда қилиб айтганда, нархларнинг тартибсизлиги ва асоссиз ўсиши эндиликда кузатилмади. Аҳоли томонидан тўловлар вақтида ундирилиши ҳам кўзда тутилган. Давлат тадбиркор ва аҳоли ўртасида қафил бўлиб, тизимни ривожлантиришни бош мақсад қилиб олган. Кафолатланган хизмат – кафолатланган тўлов тамойилида иш олиб боришга ҳаракат қилинмиш. Шунингдек, қарор билан кўп квартиралли уйларни лозим даражада сақлаш учун минимал тариф Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик томонидан белгиладиган бўлди.

Пресс-тур иштирокчиларининг биринчи манзили Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманида жойлашган 82 та кўп квартиралли уйга хизмат кўрсатувчи “Classic building communal” бошқарув сервис компанияси бўлди. Бошқарув ташкилоти 2022 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 40 га



яқин қўшимча сервис хизматлар ҳамда 20 га яқин тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилган.

Бу ҳақда компания раҳбари Шавкат Саримсоқов шундай деди:

– Ҳозирги кунда 5 та маҳалладаги 83 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатамиш. Билансизми, аввалага аҳоли биздан ҳайқириб турарди. Биринчидан, тўғри тасаввур мавжуд эмас эди. Шу билан бирга, нархларни кўтариб юборарди, деб уйлашган. Вазириятни тўғри баҳолаб, нархларни ўзгартириш қолдиришимизни, биринчи навбатда, компания сифатли хизмат кўрсатишини исботлашни тушунтирдик. Шуқри, бугун юзимиш ёруғ. Одамлар ишончи, шодлиги ошган. Асосий муваффақиятимиз ривожланиш сари биринчи бўлиб қадам қўя олганимизда. Фаолиятимиз учун ўз ҳисобимиздан 3,5 млрд сўм сарфлаб, кўп қаватли тадбиркорлик тармоқларини ташкил қилдик. Худо хоҳласа, ниятларимиз катта.

Бошқарув компанияси биноси замонавий талаблар асосида барпо этилган. Аҳоли ва унинг қўлайлиги учун барча шароитлар бор. “Classic building communal” БСК 2022 йилдан буён 60 та ертўладаги барча ички муҳандислик тармоқларини янгилаган. 62 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми тўлиқ таъмирланган. Шунингдек, 55 та марказий электр шит, 200 дан ортиқ кириш йўлаклари мукамал ҳамда 27 000 кв метр том қисми жорий таъмирдан чиқарилган. Жамоа томонидан аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида ҳозирги кунга қадар 6 та замонавий болалар ўйингоҳи барпо этилган.

Иккинчи манзил – “Demetra capital development” бошқарув сервис компанияси бўлиб, у 2021 йилда Шайхонтоҳур туманида ташкил топган. Компания бугунги кунда 16 минг нафардан ортиқ аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Компания маъмурий биноси 150 квадрат метр ўрнида контейнерлардан барпо этилган. Шу билан бирга, бошқарув компанияси томонидан соҳага

ўз ҳисобидан жами 720 млн сўм инвестиция маблағлари жалб этилган бўлиб, мазкур маблағлар компания моддий-техник базасини янгилашга ҳамда кўп квартиралли уйлар техник ҳолатини созлашга йўналтириб келинмоқда.

– Аввалага маҳалла биносида ўтирардик, кейинчалик у ерда ҳам жой тақчилиги кузатилди, – деди компания раҳбари Нилуфар Умарова. – 2021 йилда 22 та кўп қаватли уй билан фаолиятимизни қайта бошлаган бўлсак, (илк фаолият 2014 йил бошланган) 2023 йил охирида бу кўрсаткич 109 тани ташкил қилди. Вазирилик ва тегишли ташкилотлар жой масаласини ҳам ижобий ҳал қилиб бериши. Давлатимиз раҳбарининг бизга бераётган эътибори тадбиркорларни руҳлантирмоқда. Ҳозир тикувчилик, педикюр, маълум ҳажмдаги юкларни ташиш хизматини ҳам йўлга қўйганмиш. Келажақда компанияни янада кенгайтириш ниятидимиш.

2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан ҳам компания томонидан салмоқли ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Хусусан, 21 та кўп қаватли уйнинг ички муҳандислик тармоқлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, 3 та уйда совуқ сув учун насос ўрнатилди. 20 га яқин кўп қаватли уйнинг том қисмида мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 12 та кириш йўлаги янги, замонавий қиёфага кирди. 2 та кўп квартиралли уйнинг том қисми капитал таъмирланди. Ҳозирги кунда аҳолининг мурожаатларига асосан шахтадаги қувурлар тўлиқ янгиланмоқда.

Коммунал соҳа – энг коммуникатив тармоқ ҳисобланади. Соҳадаги эътиборсизлик, масъулиятсизлик тўғрисида-тўғри фуқароларнинг яшаш тарзини ёмонлаштиришга олиб келади. Шу боис, тизимни ривожлантириш, унга замонавий талаблар асосида янги ислохотларни жорий этиш зарур. Бу борада бошқарув сервис компаниялари самарали ечим бўлмоқда, деб бемалол айтишимиз мумкин.





QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI
LOYIHA ILMIY-TEKSHIRISH INSTITUTI

**NAVRO'ZI OLAM
MUBORAK BO'LSIN!**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AKSIYADORLIK JAMIYATI

**O'ZOG'IRSANOATLOYIHA
I N S T I T U T I**

Ezgulik va ahillik
bayrami –

NAVRO'Z

barchangizga
qutlug' bo'lsin!



"TASHGIPROGOR" AJ

Qurilish sohasining qadrlil vakillari, barchangizga bahoriy uyg'onish va nafosat timsoli –

Navro'z
muborak bo'lsin!

Jonajon yurtimizning zamonaviy va ko'rkam qiyofasini yaratishdek ezgu maqsad yo'lidagi faoliyatingizga ulkan zafarlar tilaymiz.

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI



AJINIYAZ

Kelinchak bahorning eng go'zal bayrami –

NAVRO'Z

barchaga qutlug' bo'lsin!

Qalblaringiz ezgulikka to'lib, umringiz yaxshi
amallar bilan o'tishini tilab qolamiz.

"QISHLOQQURILISHLOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati

Beg'ubor bahorning eng ezgu bayrami –

Navrōz

barchaga qutlug' bo'lsin!

Ko'ngillar obod bo'lib, yurtimizdan
qut-baraka arimasin.
Har bir kunimiz Navro'zdek shod-u
xurramlikda o'tsin!
Ahillik, oqibat, sadoqat-u muhabbat
hech bir qalbni aslo tark etmasin.
Bayramingiz muborak,
aziz yurtdoshlar!





ANDIJON VILOYATI QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI

*Maftunkor fastning muborak ayyomi —
NAVRO'ZI OLAM
bilan yurtdoshlarimizni muborakbod etamiz!*



Barchangizga sog'lik, oilangizga farovonlik, yurtimizga tinchlik-omontlik tilaymiz.

BUXORO VILOYATI QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI

**Jonajon O'zbekistonimizning mehnatkash xalqiga
bahoriy uyg'onish va nafosat timsoli —**

NAVRO'ZI OLAM
muborak bo'lsin!

Dillarga quvonch olib kelgan uyg'onish fasli har biringizga yaratuvchanlik va yashnatish kabi fazilatlarni hamroh qilsin.

**"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI
EKSPERTIZA QILISH
RESPUBLIKA MARKAZI" ДМ**
va uning hududiy filiallari jamoalari

**EZGULIK VA NAFOSAT BAYRAMI
BARCHA YURTDOSHLARIMIZGA
MUBORAK BO'LSIN!**

**Navro'z – chinakam xalq bayrami,
milliy o'zligimiz ko'zgusi, ma'naviy va madaniy
hayotimizning ajralmas qismidir.
Xalqimizning har bir kuni Navro'zdek shodiyona
bilan o'taversin.**



**JIZZAX VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**

*Uyg'onish fasti barchangizga
muborak bo'lsin!*



Qushlarning chug'uri, maysalarning nozik tebranishi, suvlarning shildirashi misol hayotning eng pokiza va beg'ubor onlari har bir xonadonga faqat ezgulik olib kelsin.

**QASHQADARYO VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**

Sinafsha misol nozik, atirguldek go'zal va latofat timsoli

Мавроў

ayyomi bilan barchangizni muborakbod etamiz.

*Ahillik, birdamlik va hamjihatlik
sizlarni also tark etmasin!*

**NAMANGAN VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**

*Ezgu amallar debochasi -
Navro'zi olam bilan
barcha yurtdoshlarimizni
qutlaymiz.*

*Erka bahorning faraxbaxsh
tonglari misol umringiz faqat
go'zallik va baxtu saodatga
to'la bo'lsin!*

Navro'z
muborak!



**NAVOIY VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**

**Har bir qalbda pokiza
tuyg'ular uyg'otib,
yaxshilik ulashuvchi ayyom –
Navro'z muborak!**

**Hayotingiz tinchlik-xotirjamlikda o'tib,
xonadoningiz fayzu barakaga to'lsin.**



TOSHKENT SHAHAR QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI

Ko'hna va mudom sevimli
bayramlardan biri –

Navro'z

barcha soha vakillariga
muborak bo'lsin!

Ezgu ishlaringizda omad yor bo'lib,
xonadoningiz qut-barakaga to'lsin.
Kasbingizga rivoj, oilangizga tinchlik-totuvlik
va yurtimizga farovonlik tilaymiz.
Azmu-shijoatingizga aslo ko'z tegmasin,
qadrli yurtdoshlar!

SAMARQAND VILOYATI QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI

**Pok niyat va
ezgu orzular timsoli –
sharqona yangi yil
barchangizga
qutlug' bo'lsin!**

Ming yillar oldin ota-bobolarimiz
bu ulug' ayyomni qanday pok niyat
va yorug' umidlar bilan kutib olgan
bo'lsalar, bugun ham xalqimiz mana
shunday ko'tarinki kayfiyat bilan
Navro'zga peshvoz chiqmoqda.
Ko'tarinki kayfiyat yil davomida
hamrohingiz bo'lsin!



**TOSHKENT VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**



*Sumalak to'la qozonlar
atrofida o'yin-kulgu qilib,
bahor ne'matlari va
bayram quvonchini
o'zaro baham
ko'rayotgan
mehridaryo
xalqimizni
Navro'zi olam
bilan tabriklaymiz!*

**XORAZM VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**



*Aziz yurtimizning go'zal
qiyofasini yaratishga
o'z hissasini
qo'shib kelayotgan
bunyodkorlarimizga
Navro'zi olam
muborak bo'lsin!*



**FARG'ONA VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**

NAVRO'ZINGIZ MUBORAK BO'LSIN, QADRLI YURTDOSHLAR!



Ona diyorimizga bahor o'z sepini yoyib, qalblarga quvonch ulashayotgan shunday shukuhli va betakror damlarda ko'ngillar har bir kunni bayramdek o'tkazishni istaydi. Ezgu ayyom barchaga ahillik, birdamlik va mehr-oqibat tuyg'ularini olib kelsin.



**SURXONDARYO VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI SOHASIDA HUDUDIIY
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**

***Barcha yurtdoshlarimizga sharqona
yangi yil muborak bo'lsin!***

Bugun yam-yashil dalalar va gullagan bog'larda, maydon va xiyobonlarda, qishloq va ovullarda, mahalla va ko'chalarda Navro'zning dilbar taronalari yangramoqda. Ana shunday faraxbaxsh lahzalar har biringizni yil davomida tark etmasin.





SAMARQAND VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO'JALIGI BOSH BOSHQARMASI

Navro'z
muborak!

Qadimiy va sevimli
bayramlardan biri –

Navro'z

barcha soha
vakillariga muborak
bo'lsin!

Ezgu ishlarinigizga omad
yor bo'lib, xonadoningiz qut-
barakaga to'lsin.
Kasbingizga rivoj, oilangizga
tinchlik-totuvlik va yurtimizga
farovonlik tilaymiz.

Samarqand viloyatidagi
"STEKLOPLASTIK" MCHJ

"Zamonaviy realtor xizmati" MCHJ
Farg'ona filiali

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда
такроран ўтказиладиган электрон-онлайн
очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Марғилон туман-
лараро иқтисодий судининг 2021 йил
2 ноябрдаги 4-1504-2103/1531-сонли
ҳал қилув қарорига асосан банкрот
деб топилган "Тошлоқ Нилуфар Қо-
диралибод" ХК суд тугатиш бошқа-
рувчисининг 2024 йил 13 мартдаги
92-сонли буюртномасига асосан
қуйидаги кўчмас мулклар такроран
қўйилмоқда:

1. Тошлоқ тумани, "Хўжаариқ" МФЙ,
Хоразм кўчаси, 251-уйда жойлашган
1659,4 квадрат метрдан иборат бўл-
ган кадастр рақами 15:11:101:04:0148
бўлган қорвадорлар уйи бино ва ин-
шоотларини дастлабки баҳоланган
бозор қийматига нисбатан 10 фоиз ар-

зонлаштирилган бошланғич баҳоси –
335 959 663,77 сўм.

2. Тошлоқ тумани, "Хўжаариқ"
МФЙ, Хоразм кўчаси, 250-уйда жой-
лашган майдони 9928,3 квадрат метр-
дан иборат бўлган қорвачилиқ фер-
маси бино ва иншоотларининг бир
қисмини дастлабки баҳоланган бозор
қийматига нисбатан 10 фоиз арзон-
лаштирилган бошланғич баҳоси –
744 512 257,35 сўм.

Аукцион савдо 2024 йил 3 апрель
куни online-mulk.uz платформасида бў-
либ ўтади. Аризаларни рўйхатдан ўт-
казиш мuddати: 2024 йил 2 апрель куни
соат 18.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган

кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш ичи-
да сотувчи билан олди-сотди шартно-
маси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулк-
нинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқ-
дорда закат пулини "Zamonaviy
realtor xizmati" MCHJ Фарғона фи-
лиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига
электрон-онлайн аукцион савдо-
да рўйхатдан ўтиб туланади: 2020
8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davt-
bank" Олмасор филиали МФО 01121
СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган
манзил: Фарғона вилояти, Фарғона
шаҳри, Г. Фармонова кўчаси, 13-уй.
Телефон: 73-244-33-88.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Zamonaviy realtor xizmati" MCHJ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Zamonaviy realtor xizmati" MCHJ томонидан ташкил
этиладиган очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм сав-
до комплекси" АЖнинг 2024 йил 16 мартдаги 201-сонли бую-
ртномасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси"
АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага
олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	9-7-2а сонли, умумий майдони 19 м² бўлган савдо шохобчаси	43 000 000
2.	9-7-3а сонли, умумий майдони 19 м² бўлган савдо шохобчаси	43 000 000
3.	9-7-4а сонли, умумий майдони 19 м² бўлган савдо шохобчаси	43 000 000
4.	9-7-5а сонли, умумий майдони 19 м² бўлган савдо шохобчаси	43 000 000
5.	9-7-6а сонли, умумий майдони 19 м² бўлган савдо шохобчаси	43 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар-
дан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб
расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади
(13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг
охирги мuddати: 2024 йил 19 апрель куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 22 апрель куни
соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни бер-
ган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдолари шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, так-
рорий савдолар 2024 йил 30 апрель, 7, 21 май, 4, 18 июнь, 2,
16, 30 июль, 14, 29 август, 12, 26 сентябрь, 10, 24 октябрь, 7, 21
ноябрь, 5, 19 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан
бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда
солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги
ҳужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғри-
сидаги гувоҳноманинг нусхаси;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизи-
дан кам бўлмаган миқдордаги суммани закатлат сифатида
"Zamonaviy realtor xizmati" MCHJнинг қуйидаги ҳисоб рақам-
ига савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар
тулашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davt-
bank" Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклиф маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган
кундан бошлаб 20 банк куни ичида сотувчи билан ижара
шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказилади-
ган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилина-
диган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид
Олимжон кўчаси, 13-А" уй.
Телефон: 71-237-23-82.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2024 йил март ойининг 21-28 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-
жалиги вазирлиги Қўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш
ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқар-
маси етакчи мутахассиси **Ҳусниддин Шодиев**, Муржаат-
лар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бошлиғи
Улуғбек Раҳимов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-
сида назорат қилиш инспекцияси хайдовчиси **Сарвар Азизов**,
"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ
бухгалтерия бош мутахассиси **Раҳим Худойбердиев**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini
rivojlantirish markazi" Davlat харидларини ташкил қилиш ва
амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Илёт Уфиллаев**,
Муржаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Умиджон
Абдукаримов**, Аxborot хавфсизлигини таъминлаш бўлими бош
мутахассиси **Орифжон Дўсяров**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат му-
ассасаси техниги **Лаиз Пирматов**, бош мутахассис **Зуфия
Абдуқадирова**, "Навоий" филиали лойиҳа бош архитекто-
ри **Асокул Ҳайитов**, "Шимолпий" филиали бош мутахассиси
Алшир Жанабаев, "Марказий" филиали етакчи муҳандиси
Муҳиддин Уктамов,

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ АСС-2 бош муҳандиси **Қобилжон
Отаев**, Иситиш ва вентиляция сектори бош муҳандиси
Дилуфар Абдурахманова, Бино ва иншоотларни инспекция
ва ягона техник ечимларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи
Иван Подпорин, Хизмат кодлари бўлими бошлиғи ўринбосари
Вифобек Тошбаев, Инсон ресурсларни бўлими инспекто-
ри **Дилфуза Фазилова**, муҳандислар **Ғиёсбек Хўшмуродов**,
Сардорхўжа Хошимов, чилангар **Агзам Галаутдинов**,

"Ташгирпрогор" АЖ архитекторлар гуруҳи раҳбари **Лариса
Казанцева**, етакчи иқтисодчи **Мамлакат Маринова**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ шаҳарсозлик ҳужжатларини
ишлаб чиқиш бошқармаси 3-ўстахона лойиҳа бош архитектори
Файзулла Фатуллаев, бош бухгалтер **Мамашариф Равшанов**,
Қашқадарё филиали муҳандиси **Ойбек Олимов**, Махсус бўлим
муdiri **Евгения Кеврикис**, Фарғона филиали етакчи архитекто-
тори **Хуршиджон Зокиров**, Архитектура-қурилиш лойиҳалари-
ни ишлаб чиқиш бошқармаси 1-ўстахона лойиҳа бош архи-
тектори **Қаҳрамон Боймуратов**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини
ишлаб чиқиш бошқармаси 1-ўстахона лойиҳа бош архитектори
Светлана Жижимова,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой комму-
нал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси
етакчи мутахассиси **Сардор Камалов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
бош бошқармаси Муржаатлар ва диспетчерлик хизмати шў-
баси етакчи мутахассиси **Нилуфар Ходжаева**, Қурилиш ва уй-
жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш ин-
спекцияси етакчи инспектори **Муроджон Умарқулов**, Ичимлик
сувидан оқилона фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш
ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими бош му-
тахассиси **Наврўз Ходжиев**, Қурилиш-саноат лабораторияси ва
бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош му-
тахассиси **Унид Шокиров**, қоровул **Журабек Қўзиев**,

Жиззах вилояти Арнасой тумани қурилиш ва уй-жой комму-
нал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Охунжон Янгйбобов**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
бош бошқармаси бошлиғи **Ақбар Ниёзов**, Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспек-
цияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мута-
хассиси **Даврон Султонмуродов**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi"
ДМ Самарқанд вилояти филиали директори **Шокир Илмуратов**,
бош мутахассис **Илҳон Ҳашимов**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
бош бошқармаси Туман ва шаҳар архитектура ва қурилиш бў-
лимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахас-
сиси **Темурхон Қодиров**, иш юритувчи котиба **Малика Зияева**,
Юқоричирчик тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати
бўйича архитектори **Аббор Маҳкамов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожланти-
ришни режалаштириш шўбаси бошлиғи **Баҳодир Хўжаматов**,
Фарғона шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
бошлиғи **Авазбек Раҳимов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожланти-
ришни режалаштириш шўбаси бошлиғи **Баҳодир Хўжаматов**,
Фарғона шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
бошлиғи **Авазбек Раҳимов**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл туманидаги "To'rt-
ko'l Kom Stroy" MCHJ БСК бош директори **Ҳолида Балтаева**,

Бухоро вилояти, Жондор туманидаги "Асл Аъзам строй"
MCHJ БСК бош директори **Нурбек Хомидов**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Элпарвар" MCHJ
БСК бош директори **Латофат Джумаева**, "Билолов Усмон Ком-
мунал сервис" MCHJ БСК бош директори **Усмон Билолов**,

Навоий вилояти Навбахор туманидаги "Tezkor nazarbek
professional boshqaruv kompaniyasi" MCHJ БСК бош директо-
ри **Камолитдин Қўлдошев**, Ғазғон туманидаги "Ixtiyor -2022"
MCHJ БСК бош директори **Ихтиёр Ҳамроев**, Навоий шаҳри-
даги "Imkon Group" MCHJ БСК бош директори **Сайфулло
Сайфиддинов**,

Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги "Булунгур ту-
мани тезкор коммунал" MCHJ БСК бош директори **Дилфуза
Маматқулова**,

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги "Янгиер юксалиш таъ-
мирлаш сервис" MCHJ БСК бош директори **Дилором Исмолова**,

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги "Ёдгор Ҳакимов"
MCHJ БСК бош директори **Ёдгор Ҳакимов**,

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги "Ватан уй-жой хиз-
мати" MCHJ БСК бош директори **Сайдулло Тошматов**,

Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги "Мамлакат она кела-
жак" MCHJ БСК бош директори **Севара Усманова**,

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги "Кумуш булоқ" MCHJ
БСК бош директори **Бахтиёр Мирзахожоев**, Учтепа туманида-
ги "Agmm Kimyo" MCHJ БСК бош директори **Гўзал Сатимова**,
Яккасарой туманидаги "Classic building communal" MCHJ БСК
бош директори **Шавкат Саримсоқовларни** таваллуд куни билан
чин дилдан муборакбод этишимиз.

УЛАГА СИХАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



Селектор йиғилишидаги вазифалар ижроси таъминланмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Халқимизнинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, унинг сифати ҳамда хавфсизлигига эътиборни кучайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, зарур чоралар кўриляпти. Шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий ва инновацион тизимларини қўллаш бўйича муҳим ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 29 январь кунини ўтказилган селектор йиғилиши бу каби тадбирларни такомиллаштиришда дастуриламал вазифасини ўтади. Айтиш жоизки, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини муҳофазалашга қаратилган Президент бошчилигидаги ташаббуслар доирасида тизимга замонавий лойиҳалар олиб қилинганлиги боис, фуқароларнинг тоза сув истеъмоли даражаси аввалги даврларга қараганда бир неча фоизга ортди. Энг аввало, ифлосланган сувдан юқадиган хасталикларга барҳам берилмоқда.

Хусусан, аҳоли хонадонларини тоза

ичимлик суви билан таъминлаш ва улгуржи истеъмолчиларга уни марказлашган ҳолда етказиб бериш ҳамда оқова сув хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича Бухоро вилояти таъминоти ибрат бўлмоқда. Вилоятдаги соҳа мутахассисларнинг айтишича, ўтган уч йил оралиғида тоза ичимлик суви таъминоти 58 фоиздан 73,2 фоизга, оқова сув хизмати билан боғлиқ харажатлар эса 10,8 фоиздан 16 фоизга етказилган. Бу ишларнинг манткий давоми сифатида янундан йил 98,3 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 28 та объектда 257 километр тармоқ ва 6 та иншоотни куриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари

сифатли тарзда удаланди. Муҳими, вилоятдаги 120,7 миң нафарга яқин аҳоли биринчи бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. 40 миң нафардан ортининг эса марказлашган ҳамда оқова сув хизмати яхшиланди.

Манзилли дастур асосида аҳолиси анча зич жойлашган Шофиркон туманида бу жиҳатдан қилинган ишлар таҳсинга сазовар. Тумандаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғинида тоза ичимлик суви ва Султанообод сув иншооти куриб битказилди. Давлат раҳбарининг селектор йиғилишида берган топшириқларидан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам аҳоли учун тоза ичимлик суви тизимларини янгилаш ва замонавийларини куриш, эскирганларини реконструкция қилиш ҳисобига истеъмоал талаби даражасини 67 фоиздан 95 фоизга етказиш мақсадида шу кунларда катта ишлар бошлаб юборилган.

Кези келганда айтиш керакки, давлат раҳбарининг топшириғи асосида бошланган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида қиймати 385,1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва ка-

нализация тизимларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш лойиҳаси бўйича 2024 йилда белгиланган ҳудудларда курилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, тизимда илгор технологияларни қўллашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жаҳонда ривожланган давлатлар таърибаси асқатаяпти. Масалан, ўтган йили вилоятдаги айрим сув тўплаш ва узатиш иншоотлари реконструкция қилингандан сўнг Испаниянинг энг илгор технологиялари келтириб ўрнатилган эди. Натижанда аҳолига сифатли сув етказиб бериш имкониятлари янада кенгайди. Айни пайтда электррозлизу суви билан хлор ишлаб чиқарилиб, суви зарарсизлантириш имкони ҳам яратилган. Бу урғун арзон, тежамкор ва инсон саломатлиғи учун зарарсизлиги билан аҳамиятлидир.

Қисқаси, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилган янги лойиҳалар вилоятнинг энг чека хуждаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Бошланган бундай хайрли саъй-ҳаракатлар яқин орада фуқароларнинг бу борадаги муаммосини узиш-кесил хал бўлишини таъминлайди.

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Тошкент тумани аҳолиси Наврўзни қўшалоқ байрам сифатида кутиб олишди.

Байрам арафасида "Осиё тараққиёт банки" иштирокида "Mesmer-East" масъулияти чекланган жамияти томонидан куриб битказилган учта сув кўтариш иншооти фойдаланишга топширилди.

Жамият ишчи-ходимларининг ҳаракати натижасида тумандаги 26 та маҳалланинг 214 та кўчасида яшаётган фуқаролар доимий ичимлик суви билан таъминланди.

Бекобод туманидаги Давлат хизматлари маркази, Адлия ва ФХД бўлимларига иш ёки муурожаат билан ташриф буюрган фуқаролар бу ердаги замон талабларига мос бўлмаган ноқулай шароит туфайли қиймати вақтини йўқотишга тўғри келарди.

Наврўз байрами арафасида жаҳон талабларига мос ва барча қулайликларга эга Адлия ва ФХД бўлимлари ҳамда Давлат хизматлари марказининг янги бинолари курилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишқир туманида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, самардорлигини ошириш мақсадида Наврўз байрами арафасида Маданият маҳалласидаги оилавий шифокорлик пункти поликлиника мақомида иш бошлади.

Ушбу муассаса 17 миңга яқин беморга хизмат кўрсатади. Шу кунини Дўрмон, Қизилқўприк ва Ибн Сино маҳаллаларида ҳам марказий поликлиниканинг филиаллари курилиб, ишга туширилди. Айни пайтда бу жойларда ҳам янги иш ўринлари яратилиб, 2-6 тагача бригадалар фаолият олиб бормоқда.

Ўз мухбиримиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сўнгги йилларда юртимизда Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги билан ижтимоий ва инфратузилма объектларида кенг қўламли курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу ишларнинг давоми сифатида Тўртқўл туманида ҳам жорий йилда 90 та объектда 127,3 млрд сўмлик курилиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Ана шундай бунёдкорлик ишларидан бири сифатида Тўртқўл тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқ комплекси курилишига старт берилди. Курилиш ишлари доирасида туғуруқхона комплекси биносига қўшимча 70 ўринли янги бино куриш, шунингдек, мавжуд бинони мукамал таъмирлаш режалаштирилган.

Лойиҳа амалга оширилгач, маҳаллий фуқаролар, хусусан, оналар ва болалар учун барча қулай шароит яратилади.

Истеъдод соҳиблари тарбияланаётган маскан

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қашқадарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати қадимий шаҳар Шахрисабзда ташкил этилган.

Санъат даргоҳининг ушбу шаҳарда ташкил этилишида чуқур раъий маъно муҳим. Боиси, бетакрор Шахрисабзда азал-азалдан илму маърифат ривож топган, санъатнинг барча турлари тараққий этиб, хунарманд усталарнинг бетимсол ишлари бутун дунёга танилган. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур даврига келиб, маданият ва санъат янада юксалади ва шаҳарга "Қуббатул илм вал адаб" яъни, "Илму адаб гумбази", деб ном берилади. Қашқадарёнинг энг қадимги ашил ва зумрад бу шаҳри кўплаб таниқли ва машур истеъдод соҳибларига бешик бўлган.

Билим масканининг очилиши маросимида Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси, академик Турсунали Қўзиёв жуда ибратли бир мулоҳазани билдирган эди: "Шун-



дай гўзал табиатга эга шаҳарда туғилиб, ўсиб рақом ва шоир бўлмаганининг ўзи гуноҳдир". Мактаб-интернат иш бошлаши билан воҳода халқ амалий санъатининг, тасвирий санъат ва унутилиб келаётган миллий қадрият-

ларимиз қайта тикланиб, уларни янада ривожлантириш йўлида муҳим кадам ташланди. Шунингдек, иқтидорли ёшларга таълим ва тарбия беришда, санъат йўналишлари бўйича ижобий натижаларга эришишда педагогик кадрларни салоҳиятини кўтарилга қаратилган босқичма-босқич бир қанча ишлар амалга оширилди.

Таълим муассасаси мутахассислик фанлари бўйича ўқув жиҳозлари, молбертлар, курғазмалар куруллар, қулд, замонавий тикув машиналари, техник жиҳозлар, қулдочлик, фан ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Мактаб ижодкор ёшлари мамлакат ҳамда халқаро миқёсдаги турли куриш-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Шу билан бирга, муассасани битирган ва таълимнинг сўнгги босқичларига соҳа бўйича таҳсил олиб, республикамизнинг турли жойларида тасвирий ва амалий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш мутахассис кадрлар кўпчилигини ташкил этади.

Нукусликларнинг фахрига айланган жамоа

Кейинги йилларда мамлакатимизда соҳани такомиллаштириш ва кўп қаватли турар жойларни тартибга келтириб, бу ерда истиқомат қилаётганлар учун муносиб шароитлар яратиш беришининг жаҳон таърибасида синалган профессионал компаниялари ташкил қилинди ва собиқ ЖЭКлар бажарган барча вазифалар улар ихтиёрига топширилди.

Нукус шаҳрида янги тизим бўйича аҳолига хизмат кўрсатаётган компаниялар кўп. Улардан бири, уч йилдан буён фаолият юритаётган "Nokis gullengen shamshirag seriy" масъулияти чекланган жамияти бўлиб, компания 88 та кўп қаватли уйлардаги 3 144 та хонадон аҳлига хизмат кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ишончини оқлаш учун биринчи босқичда "Дарбент", "Беркент" ва "Гўзар" каби маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда жойлашган кўп қаватли уйлардан 15 тасининг том қисмлари, фасадлари тўлиқ таъмирланиб, ертўралардаги сантехник ҳолатлари яхшиланди, ичимлик ва оқова сув кувурлари янгисига алмаштирилди.

Шулар баробарида ноқонуний курилмалар ихтиёрий равишда буздирилди ва улар ўрнида аҳолига хизмат кўрсатувчи ҳамда вақтинчалик ишчиларни доимий иш билан таъминлашга йўналтирилган цехлар курилди. Давлат дастури доирасида эса уйлар атрофи ободонлаштирилиб, йўлакларга кум-шағал ва асфальт ётқизилди, тунги ёриткичларни ўрнатиш орқали одамларнинг кечаси ҳам кундузгидек юришларига шароит яратилди. Катталар ҳамда ёшларнинг шуғулланишларига мослаб спорт майдонлари бунёд этилди.

Оролбўйи минтақасида совуқ нисбатан аёзли бўлгани сабабли кўп квартиралар уйларда яшовчиларнинг асосий муаммоси иссиқлик манбаи билан боғлиқ қолган. Марказий қозонхоналардаги ускуналар эскиргани туфайли ўз вақтида зарур манбани етказиб беролмагани кишининг совуқ кунларида биланарди. Компания жамоасининг ташаббуси билан аҳоли розилиғи олингач, ҳар иккита кўп қаватли уйлар учун локал иситиш тизимлари ўрнатилди.

Замонавий иситиш тизимининг афзалликлари кўп экан, – деди компания катта ҳисобчиси Мерибон Сейитмбетова. – Биринчи навбатда у, зарур иссиқликни етказиб бериш баробарида иқтисодий тежамкор, аҳоли учун жуда қулай. Аҳоли кўрсатилаётган хизматлар учун жамоадан миннатдор бўлиб, ободонлаштириш ишларида ўзлари ҳам кўмаклашмоқда. Қарс икки кўндан, деганлари бежиз эмас экан, ҳамкорликдаги ишлар натижаси туфайли уч йил оралиғида ихтиёримиздаги 88 та кўп квартиралар турар жойларнинг барчаси замон талабларига мослаштирилди ва ён-атрофи тартибга келтирилди.

Ходимнинг таъкидлашича, ҳудудда истиқомат қилаётганлар орасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва болаликдан ногиронлиги бўлганлар ҳам анчагина. Уларнинг хонадонларидаги таъмирлаш ишлари компания ҳисобидан амалга оширилган ҳамда тўловларда имтиёзлар берилган. Беминнат хизматлар кўрсатиб, фуқароларнинг олқишига сазовор бўлаётган бундай жамоаларга ҳар қанча тасаннолар айтса, арзиғулик. Ҳозирги кунда жамоа аъзолари кўп қаватли уйлар атрофида яшил макон барпо қилиш учун баҳорги тадорик ишларини бошлаб юборишган. Демак, ҳадемай бу ер янада гўзаллашиб, юртимиздаги энг ҳавас қиларли даражадаги обод масканларидан бирига айланади.

Ўз мухбиримиз.

Yer osti suvlaridan foydalanish tartibini bilasizmi?

Samandar MALLAXONOV,
Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi.

Bugungi kunga kelib aholi va qishloq xo'jaligi iste'molchilari tomonidan yer osti suvlaridan to'g'ri, unumli va oqilona foydalanish, ularni muhofaza qilish masalasi tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Dunyoda kuzatilayotgan global iqlim o'zgarishlari tufayli mamlakatimiz hududida ham suv havzalarining suvsizlanishi, sarfining kamayishi, qishloq xo'jaligini rivojlantirish maqsadida yer osti manbalaridan me'yorida ortiq foydalanish bilan bog'liq antropogen ta'sirlar kuzatilmoqda.

Yurtimizda suv resurslaridan foydalanish doimo davlatimiz siyosatining diqqat markazida bo'lib kelgan. O'zbekiston Respublikasining "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida"gi Qonuni ushbu sohada muhim hujjatlardan biridir. Qonunning 2-moddasida yer osti suvlari – yer sathidan pastda, yer qobig'ining tog' jinslari qatlamlarida joylashgan suvlar ekanligi ta'kidlanadi hamda 3-moddasida "Suv O'zbekiston Respublikasining davlat mulki – umummilliy boylik hisoblanadi, suvdan oqilona foydalanish lozim bo'lib, u davlat tomonidan qo'riqlanadi", deyilgan.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, respublikamizda rasman 97 ta yer osti suv konlari aniqlangan bo'lib, ulardagi mavjud suv zaxirasi 63,9 mln kub m/sutkani tashkil qiladi. Bundan, sho'riik holati 1 g/l gacha bo'lgan suvlar 25,8 mln kub m/sutka (umumiy miqdorning 40 foizi) dan iborat. Yer osti chuchuk suvlari zaxirasi yurtimiz hududida bir xil tarqalmagan bo'lib, Toshkent viloyatida 28 foiz, Samarqand viloyatida 14 foiz, Surxondaryo hamda Namangan viloyatlarida 13 foiz, Andijon viloyatida 12 foiz, Farg'ona viloyatida 8 foizga to'g'ri keladi. Bu ko'rsatkichlar respublika suv ta'minotining 67 foizini tashkil qilmoqda. Yer osti suvlaridan eng ko'p foydalanayotgan hududlar reytingini Farg'ona, Namangan, Qashqadaryo, Samarqand hamda Toshkent viloyatlari egallab turibdi.

Shu bilan birga, yer osti suvlaridan sanoat va qishloq xo'jaligi maqsadida foydalanish ko'rsatkichi ham juda yuqori va bu jarayon yildan yilga ortib bormoqda. Ushbu maqsadlar uchun bir kunda 18,6 mln kub m/sutka suv iste'mol qilinmoqda. Albatta, bu iste'molning qancha-



lik tejamkorlik bilan amalga oshirilayotgani va uni qayta ishlash talablariga qay darajada rioya qilinayotgani biz uchun qorong'iligicha qolmoqda. Ushbu holatlarning salbiy ta'sirlari esa bizni uzoq kuttirgani yo'q. Ustyurt yer osti suv koni hududidagi "Ustyurtgazkimyo" kompleksida (Aqsholaq uchastkasi) joylashgan 22-sonli kuzatuv qudug'ida 2019-2021-yillarda yer osti suvlari sathining 1,8 metrdan 5,0 metr-gacha pasayganligi va mineralizatsiyasining 2 g/l dan 8,0 g/l ga ko'tarilgani aniqlangan.

Qishloq xo'jaligi hamda sanoat va ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan sohalarida ham yer osti suvlaridan hozirgi kunda ham keng foydalanilmoqda. Bu esa, o'z navbatida, yer osti suvlarining hajmini kamayishiga olib kel-yapti. Ushbu holatni inobatga olgan holda mamlakatimizda ekinlarni tomchilab sug'orish texnologiyasi joriy etildi va bu ma'lum ma'nod o'z samarasini bermoqda. Shu bilan birga, sanoat sohasida suvni tejovchi moslamalardan foydalanish qo'llab-quvvatlanmoqda. Suv resurslariga bo'lgan e'tibor yurtimizda davlat siyosati darajasiga olib chiqildi. Bu bora-da milliy normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilinib, xalqaro shartnomalarga qo'shilish choralari ko'rilayapti. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston – 2030" strategiyasi to'g'risida"gi PF-158-sonli Farmoni-da ham 2030-yilgacha bo'lgan suv resurslarini tejash bo'yicha islohotlar belgilab berildi.

Ammo suv resurslaridan foydalanishning yana bir shakli borki, uni nazorat qilish boshqalariga qaraganda ancha murakkab hisoblanadi. Ayniqsa, hozirgi kunda bu foydalanish shakli deyarli nazorat qilinmayapti. Suvdan foydalanish shakllari ichida eng islohotlarga, qat'iy

tartib-tamoyillarga muhtoj shakli bu – yer osti suvlaridan foydalanishdir. Statistik ma'lumotlar O'zbekiston hududida 26 mingdan ziyod quduq mavjudligini ko'rsatadi. Biroq haqiqiy holda mavjud bo'shquqqa. Bu raqamlar rasman ruxsatnoma asosida qazilgan va asosan yuridik shaxslarga (korxonalar, fabrikalar, zavodlar, sexlar) tegishli quduqlarni ifodalaydi. Fuqarolar kundalik iste'mol va ekinlarni sug'orish uchun o'z xonadonlari hududlaridan kichik quduqlar qazitib, ulardan foydalanishmoqda. Bu holatni yildan yilga ortib borayotganining guvohi bo'lib turibmiz.

Yer osti suvlaridan betartib foydalanish oqibatida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-439-son qarori bilan Navoiy viloyati Nurota tumanida, Samarqand viloyati Nurobod, Payariq, Ishtixon, Urgut, Qo'shrabot tumanlarida, Jizzax viloyati Zomin, Forish, Yangiobod, Sh.Rashidov tumanlarida, Qahqadaryo viloyati Chiroqchi, Ko'kdala, Koson tumanlarida, Namangan viloyati Kosonsoy, Chortoq, Chust, Yangiyo'g'on tumanlarida, Farg'ona viloyati Beshariq tumanida, Andijon viloyati Paxtaobod, Jalaquduq, Qo'rg'ontepa, Xo'jaobod tumanlarida yer osti suvlaridan foydalanish bo'yicha moratoriy joriy etildi. Bu hududlarning ayrimlarida besh metrgacha, ayrimlarida undan ham yuqori darajada yer osti suvlari sathi kamayib ketgan. Amaldagi qonunchilikka ko'ra, yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar yer osti suvlarini burg'ulashlari uchun ruxsatnoma olishi talab etiladi. Bu ruxsatnoma Davlat geologiya qo'mitasi tomonidan beriladi. Fuqarolar ham yer osti suvlaridan foydalanishi mumkin. Buning uchun ularga yagona davlat interaktiv xizmatlar portaliga (my.gov.uz) onlayn ariza qoldirishi va belgilan-

gan miqdordagi to'lovni amalga oshirishi lozim. Qonunchilikda aniq tartib o'rnatilgan bo'lishiga qaramasdan, ko'plab insonlar bunga rioya qilishmayapti. Bu esa yer osti suvlaridan tartibsiz foydalanish va uning sathi tushishiga olib kelmoqda.

Dunyodagi barcha mamlakatlarda yer osti suvlarining sathi kamayishi jiddiy tashvish uyg'otmoqda. Bu holatga xalqaro nodavlat tashkilotlar hamda jamoatchilik e'tiborini qaratishga urinmoqda. Bu bora-da Kanada davlati tajribasiga yuzlanadigan bo'lsa, bu yerda 2016-yil 29-fevraldan "Suv barqarorligi to'g'risida"gi Qonun kuchga kirdi. Ushbu Qonun bilan 2022-yil 1-martdan boshlab yer osti suvlaridan foydalanuvchilar litsenziya bilan yer osti suvlaridan foydalanishlari belgilab qo'yildi. Chili Respublikasida yer osti suvlaridan foydalanishni tartibga solish ishlari 2005-yillardan boshlangan. Bu yerda ham suvdan foydalanishning ma'muriy tartib-tamoyillari ishlab chiqildi. 1992-yilda Meksika Qo'shma Shtatlarida ham "Milliy suv qonuni" qabul qilindi. Ushbu qonun bilan yer osti suvlarini mamlakatning mulki deb e'lon qilindi. Suvdan foydalanish bo'yicha yagona reyestr yo'lga qo'yildi hamda ruxsatnoma berish tartibi ishlab chiqildi. Iordaniya hukumati esa 2002-yilda noqonuniy qazilgan quduqlarni ro'yxatdan o'tkazish uchun 6 oy muddat berdi. 2003-yilda esa yana bir yil muddat berildi. Shu tarzda mamlakatning barcha quduqlari ro'yxatga olindi va ularning monitoringi yo'lga qo'yildi.

Demak dunyo hamjamiyati suvning barcha resurslarini tejash va undan oqilona foydalanishga harakat qilmoqda. Biz ham fuqarolar tomonidan yer osti suvlaridan foydalanish tartib tamoyillarini yana bir bor isloh qilishimiz lozim. Bu sohada quyidagi ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq.

Birinchidan, yangi qurilgan xonadonlarni hududiy elektr tarmoqlariga hududiy elektr tarmoqlarining maxsus xodimlari kelib tarmoqqa ulash ishlarini amalga oshiradi. Yer osti suvlaridan foydalanishda ham xuddi shunday maxsus vakolatli tashkilotlar ishtirok etishi kerak.

Ikkinchidan, yer osti suvlaridan foydalanish uchun fuqarolarga ruxsatnoma berish tartibini bekor qilish lozim. Ushbu ruxsatnomani burg'ulash faoliyati bilan shug'ullanadigan tashkilotlarga berish lozim. Fuqarolar esa yer osti suvlaridan foydalanish uchun qonunchilikda belgilangan tartibda soliq to'lashi dardor.

Uchinchidan, suvni yer qaniridan chiqargandan so'ng uning sarfini aniqlaydigan quurilmalar ham burg'ulash tashkilotlari tomonidan o'rnatilishi lozim (soliq mazkur hisoblovchi moslamaga binoan to'lanadi). To'rtinchidan, amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarni nazorat qilish uchun samarali mexanizm joriy etish va bunda Suv xo'jaligi vazirligining xodimlarini ham jalb qilish kerak bo'ladi.

Келмоқда Наврўз!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири.

Аввал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз.
Жилва қилаёттир тенгсиз бир чирой,
Демак, баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Яна кўнгишлардан рутубат кетди,
Яна шўвлалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Наврўз қўшиғи

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Фалак бизни балолардан асради
Юлдузлардан бойчечаклар сачради?
Бир куртакка алмашдим бор ҳасратимни,
Олам эски, лекин ўнгу сўлим янги.

Осмон бўлди бир кечада ҳорғин бағрим,
Тўй бошлади қақинларим, ёлғирларим,
Гўё ҳозир япроқ ёзар томирларим,
Гўё эски қалам тутган қўлим янги.

Ойларга ҳам алишмасман юзларини,
Қаранг Кўқон, қаранг Сурхон қизларини.
Зулфларию райҳонларнинг исларини
Олиб келган экинларим, елим янги.

Эй кўҳна боғ, кўндир чеккан азиятинг,
Куриган шо, дилда сенинг васиятинг,
Эй сариқ барг, қулоғимда насиҳатинг,
Бу йил энди менинг гулзор, гулим янги.

Ҳар кўнгишга бир янги куй, қўшиқ берсин,
Имон, инсоф, диёнатни қўшиб берсин.
Ҳар бир уйга энг аввал бир бешик берсин,
Ҳеч бир уйга кўрсатмасин ўлим янги.

Бормоқдасиз гарчи Ҳинду Ҳитойларга,
Умид айланг ўз ерингиз, Худойларга,
Уйларингиз тўлсин бу йил бугдойларга,
Ғимирлаган элим, дашту чўлим янги.

Лолалардан гар айтмадим, қир айтади,
Қолганларин само айтар, ер айтади.
Кўнглим очсам, ҳар гиёҳ бир шевр айтади,
Ростин айтсам, кўксимдаги дилим янги.

Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Аҳмадҷон АБДУРАҲМОҲОВ,
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти
катта ўқитувчиси.

Дала, қирни қоплади кўклам,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!
Атроф яшнаб, кўкарди ўктам,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!
Қанотини ёзди мунда баҳор ҳам,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Минг йиллик анъана, янги кун келди,
Мустақил юрт узра кун устун келди.
Кайфият одамга бил, дуркун келди,
Халқимнинг бахтига йил бутун келди.
Қалдирғочлар учиб, қақин ун келди,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Баҳорнинг дарағи ҳалим, сумалак,
Ошқўқлар ям-яшил, Наврўздан дарак.
Диллар ошқўқанди бунга муштарак,
Тақилди сочларга тилло тол баргак.
Даласига чиқар, деҳқоним, демак,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Бу юртда одамлар топди бахтини,
Меҳнатдан яратди хурлик тахтини.
Ривожга бахш этди ўзин аҳдини,
Йўналтирди илдам бори шаҳдини.
Тер тўқиб, ҳалолдан ростлар рахтини,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Дунё таълим олар саховатидан,
Ўрнаклик қилади урф-одатидан.
Барча ҳаракати фасоҳатидан,
Таҳсинга лойиқдир маҳоратидан.
Ўз ўнин топгани салобатидан,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Шавқату шонингга шонлар қўшилсин,
Бахт билан омадли онлар қўшилсин.
Эл деган, юрт деган ёнлар қўшилсин,
Зар унар ерингга конлар қўшилсин.
Сафингга қадрдон жонлар қўшилсин,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Фермеру тадбиркор, қиз ҳалда жувон,
Ёшу қари бари қутади меҳмон.
Диллар билан яшна қизда дастурхон,
Эшиги кўнглидай очиқдир ҳар он!
Юртим эли оқил, бор қўлда илқон,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Бу йил ҳам фаровон, тинч бўлсин дейман,
Ҳар дамда халқимнинг ғамини ейман.
Наврўзинг шавнига мадҳим ўқийман,
Ҳирмонда барака, халқ тўйисин дейман.
Аҳмаднинг табригин эл билсин, дейман,
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Ўрик гули

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Эрта баҳор. Одамлар атроф-ҳовлисини тартибга келтириш, боғ-роғдаги деҳқончилик ҳаракатига тушган палла. Март қўёшининг илк илиқ нулларига ишониб, эрта очилган ўрик гулларини майин шабадада дув-дув тўкилади. Дарахтлар остидаги эски бўйрага калта кўрпача тўшаб ўтирган Насиба момо атрофида югуриб ўйнаётган набираларига қараб, "Етказганига шукур" деб тинмай дуо қиларди.

Аммо икки кўзи ҳар доимгидек эшикда. Кенжаси хорижда ўқиб, ўша ёқларда қолиб кетди. Етти йилдан ошди, қишлоққа қадам босмай қўйганига. Утган йили қишлоқ аҳли Наврўз байрамига четда юрган барча ҳамқишлоқларни тақлиф қилишганда ҳам, келмади. Момонинг бошқа фарзандлари ҳам бор, эл-улус уларни ҳурматию жойига қўяди. Маҳалла-қуйда ўзига яраша обрўси бор, қишлоқдошларидан ердамини аямайдиган, онасини ҳурматию жойига қўядиган инсонлар. Аммо улар ҳам хорижда меҳр қўйган, оқибатсиз ука туфайли баъзида бошларини эгиб қолишади.

Кўшни ҳовлидан онасига кўзи тушган катта ўғил эгат оралаб секин юриб келди. Ўрик гулининг пушти япроқчалари қордек оппоқ сочига капаладек кўнган оназори кўзига янада кичрайиб, сўлиб қолгандек кўринди.

– Яхши ўтирибсизми, она? – дея сўрашди.
– Худого шукр, мен яхшиман. Укангдан дарак йўқми болам?
– Онасининг ҳар кунги саволидан дили эзилган ўғил уни кўнглини оғритмайдиган жавоб қидириб бошини қашиди.

– Эрактойингиз бу йилги Наврўз байрамида албатта, қишлоққа келади.
– Гапинг чинми, ўғлим ёки кўнглим учун ёлгон гапирясанми?
– Она, сиз менга ишонинг. Наврўз энг пок ва эзгу байрам. Шу байрамнинг ҳаққи-ҳурмати ҳам келади...
Ака бу сўзларни айтarkan, ич-ичидан ўзи ҳам ишониб кетарди. Аммо онасини юпатиш, унинг соғинч азоб бераётган кўнглини кўтариш учун азбаройи гуноҳ бўлса ҳам ёлгон гапиршига мажбур бўлди. Энди бу ёлгонини чинга айлантириш қолди, холос.

Раҳматли отаси тасвирий санъат фани ўқитувчиси

бўлгани учунми, яхши сурат чизарди. Отадаги бу қобилият фарзандларга ҳам озми-кўпми юққан бўлиб, бу иштиёқ оилавий гурунларда янада мустаҳкамланарди. Айниқса, баҳор фаслида кунда ўзгача чирой очадиган табиат манзарасини тасвирлаш ака-укаларнинг жону дили эди. Албатта, бундай танловлар бекорга кетмас, олий ҳакам – ота фарзандларининг энг мохирини аниқлаб, унга Наврўз байрамида энг катта совғани беришга одатланган эди. Ҳар йили Наврўзнинг энг катта тухфасини олиш илинжида ўғиллар зўр иштиёқ билан танловда голиб бўлишга ҳаракат қилишарди.

Отаси ўтказган ўша танловларнинг сўнгисиде кенжа ўғил голиб бўлганди. У ўшанда онасини суратини чизган. Ҳовлидаги мана шу ўрик, унда пушти рўмоли шамолда ҳилпираб учаётган онасининг боши узра сочилаётган ўрик гулининг митти япроқчалари зўр маҳорат билан тасвирланганди. Ўшанда онаси ҳам ёш ва гўзал эди, айниқса, унинг бахдан порлаган кўзларини маҳорат билан тасвирлай олгани учун ота ва ўғиллар бир овоздан ушбу суратни голиб, деб тан олишганди...

Ҳаёлига келган ўйдан катта аканинг чехраси ёришди. Югуриб ота ҳовлига ўтиди, чордоқдаги эски суратлар сақланувчи чанг босган сандикни титкилашга тушди. Ахйир, қидирганини топди.
– Наҳотки, ҳалиям ўшандай турган бўлса?
Кўлидаги бир пайтлар укаси чизган суратни кўриб кўзларига ёш инди. Болаликнинг ширин дамлари, отасининг пурмаёно чехраси, укаларининг шодон кийкириги, бахдан масрур онасининг кўркам қиёфаси хотирасида жонлангандек эди гўё...
У чорасини топганиди. Чикмаган жондан умид дея, ўғлининг қўл телефонида укасининг электрон поч-



тасига ушбу суратни жўнатди. Зора, бу қадрли сурат сабаб укасининг кўнгли юмшарди, мусофирчиликдан кечиб, онасининг бағрига, Ватанига қайтса, дея умид қила бошлади.

...Бугун қишлоқда Наврўз. Бу байрамни кексаю ёш йил давомида интиқиб кутади. Бу шунчаки байрам эмас, қаҳратон кишининг тугади, оламнинг яшилликка бурканиши, чор-атрофининг гуллаб-яшнаши, кишилар бир-бирига меҳр ва муҳаббат ила боқадиган муҳаббат кун... Бу кун узоқ муддат бемор ётган кишиларнинг соғайишдан умид қиладиган, дўсту биродар бир-бирининг дийдорига тўядиган, болалар қувноб, катталар яйрайидиган улуг кун... Бу кун ҳафлашган кўнгишлар бир-бирини кечирадиган, аразлашган кишилар бир-бири билан ярашадиган, ҳаммага қувонч улашадиган муборак кун...

Адириқда ҳар йилгидек дошқозонлар осилди, қўйлар сўйилиб ошлар дамланди, сумалаклар қайнади. Ёш-яланг ўйин-кулгуну бошлади. Ҳамма хурсанд ҳамма шод. Аммо Насиба момонинг кўнгли ҳамон ёришгани йўқ, бу тантаналар татимаяпти. Унинг кўзи ҳамон йўлда, кенжасини кутмоқда. Тўнғич ўғлининг

ўша кунги гаплари ҳамон қўлоғи остиде жаранглайди:
– Наврўз энг пок ва эзгу байрам. Шу байрамнинг ҳаққи-ҳурмати ҳам келади...

Аммо байрам тугай деб қолди ҳамки ўғлидан дарак йўқ. Момонинг сўнги умидлари ҳам сўнди, худди ўғлини қўриш унга армон бўладигандек юраги симилади. Ўзига келиш илинжида бир зум кўзини юлган чоғ кўз ўнгида кенжасининг дийдори намоён бўлди.
– Она, мен келдим...

Кампир кўзларини очса бу фарахбахш онлар тугаб қоладигандек янада қаттиқроқ юмди. Кошки, болагинасини дийдорига тушида бўлса ҳам тўйиб олса.
– Отажон, мени кўрқитманг, сизга нима бўлди? Ахир, мен юртимга қайтдим, бутунлай қайтдим. Оқибатсиз ўғлингни кечиринг, она...

Юз-кўзига томган шўртка ёшни илғагач, буларнинг бари ўнгида эканини ҳис қилди. Қовжираган лаблари ўғлининг пешонасига тегиши билан қалбидаги барча армонлари тумандек тарқаб кетди, гўё. Болагинасини бағрига босаркан, фақат иккаласи эшитадиган овозда шукрона айтди: "Мўъжизангдан ўргилмай, Наврўзгинам!".



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир хайъати раиси),
Шерзод Хидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир уринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусахҳих	Марҳамат Мусулмоқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ"
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирилик,
"Ўзсаноатқурилишматериаллари"
уюшмаси, "ЎзАШКЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навобий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навобий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашир индекси – 466.
Буюртма – Г-341.
1763 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 10 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
таҳрир қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Сизнинг полиграфик жиҳатдан
ифтихорли чоп этилишига
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 21.25.
Тошпирилди – 00.35. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сонини
2024 йил 29 март куни чиқади.



"O'zshaharsozlik LITI"

BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI



Nawro'z

muborak bo'lsin!

21-MART